





СОБИР АБДУЛЛА



**ТАБАССУМ ҲАМ
ТААССУФ**

(Ҳажвий шеърлар)

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ

Ташкент — 1973

Собир Абдулла — аруз вазнида ижод қилиб келган забардаст шоирларимиздан. Унинг халқ қўшиқларига айланиб кетган латиф ғазалларидан баҳра олмаган киши бормикан?! У қайси мавзуда ижод қилмасин, ўқувчига айтмоқчи бўлган фикрини нафис либосда, ширали тил билан ифодалайди.

Бу китобча шоирнинг ҳажвий асарларидан тузилган бўлиб, уларда юлгич ва фирибгарлар, ялқов ва бюрократлар, ароқхўр ва сансалорчилар ўткир сатирик тил билан фош қилинади.

ПОДР.

ҲА 15
УЗ 2

20/10/75 4980	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Mif
------------------	---

Ю 6421
294

Дебоча

Шеър эмас, шеъринг күнгүлларга сироят этмагач,
Нутқ эмас, ҳар жумласи мингга кифоят этмагач.
Халқ мизробига ўлчаб баста қыл куй, бастакор,
Бўлма мағрур, тинглашиб мажбур, шикоят этмагач.
Тизма, эй рассом, тахмин бирла олам кўркини,
Қадри не бўлсин, ҳақиқатни ҳикоят этмагач.
Шошма, эй ҳофиз, билиб аввал ғазални, сўнгра айт,
Умр кўрмас хонишинг, йиллар ҳимоят этмагач.
Элда шуҳрат истасанг, ҳом узма меванг боғбон,
Турш бўлур, нордон бўлур, фаслин ниҳоят этмагач.
Бил ўзингни, Собиро, ҳар кимга бермай маслаҳат,
Шоиринг моир бўлур, даврон иноят этмагач.

Табассум ҳам таассуф

Агар жам бўлса бошга иккى ҳолат,
Қилур одам табассум ҳам таассуф.
Қўшилса завқу шавққа гар малолат,
Қилур одам табассум ҳам таассуф.

Қўринса сирти силлиқ, сўзга ўчроқ,
Сезилса суҳбатидан мағани пучроқ,
Таажжубдан келиб чиқса хижолат:
Қилур одам табассум ҳам таассуф.

Қилинса яхшилик, қайтса ёмонлик,
Ёмоиликка бўлиб дуч меҳрибонлик,
Адоват шўлини тутса адолат:
Қилур одам табассум ҳам таассуф.

Гапирсанг яхши сўз, топса дил озор,
Қилай деб яхшилик, бўлсанг гуноҳкор,
Гуноҳсизга ҳужум қилса жаҳолат:
Қилур одам табассум ҳам таассуф.

Иши то тушмаса, бегона сенга,
Иши то битгуча парвона сенга,
Ўзинга манфаат кўзлаб, далолат:
Қилур одам табассум ҳам таассуф.

Дилозор тиллар ҳақида

Англатур носоғлигингни, бұлса оқ ұам қора тил,
Софу носоғлик гувоҳи тиб учун, бечора тил.
Баъзи тил қолгай балога хўжасин амри билди,
Ўз гуноҳини юволмай айланиб, овора тил.
Халқ учун озор етгай баъзилар сўзи билан,
Неча нозик дилни айлар сўзи бирлан пора тил.
Сўзламакка тилни мажбур айлагай жоҳил киши,
Чекланур ишқақ сўкишдан, узр ила ёлбора тил.
Ул дилозорларга танбеҳ яхши таъсир этмаса,
Ҳажв тиги бирла уидай тилни ёра-ёра тил.
Бўлса мақтандық агар ким: ўз тилинга зўр берар,
Бермагай ҳеч кимга навбат сўзда, беназзора тил.
Бурди йўқ, ёлғончи аҳлидан бўлнинглар эҳтиёт,
Бой берар таъсирини сўзлашда бора-бора тил.
Бир ёмонга тил бўлишликдан соқовлик яхшироқ,
Маслаҳат бер унга, Собир, шунга кўнса зора тил.

Ахлоқсиз «ошиқ-маъшүқ»лар

Чунон ҳовлиқди нодон, кўрсатиб подонлигин кўпга,
Намойиш қилди ўзни, ўпкасини у илиб чўпга.
Десам мен: «Упкаси йўқ!»— қилдилар тасдиқ кўрганлар,
Деди ундан хабардор бир йигит: «Онинг ўзи ўпка!..»
Борар ёнида бир «қиз»: беадаб, бешарму беўхшов,
Оғизда папиросу тиззадан анча баланд юбка.
Йигит қўл ташлаб олган гардани сув кўрмаган асло,
Боқар, бадмост кўзини лўқ қилиб ул сийقا «маҳбуб»га.
Одам кўл кўчада, ул иккиси бормоқда бепарво,
Бу юзсизлар юзи ўшар эди эски, ямоқ тўпга.
Келинг, эй пок муҳаббат ёшлари, ундан олинг ибрат,
Еқинг ўт ишқ аҳли, ишқ учун бўхтон бу «услуб»га.
Насиҳат қиласа эл, «хўп» бирла алдаб, билганин айлар,
Ишонма сўзига, қил ҳажва Собир, учмагин «хўп»га.



Оддий сатрлар

Келтирур баҳт түғри сүзлик, поклик,
Эл учун хиәматда чуст-чолоклик.
Кимсанинг илми кифоя қилмагай,
Бўлмаса хуш фаҳму хуш идроклик.
Ҳар кишининг қадрини арzon қилур
Беадаблик, шапшагу шаккоклик...
Сергаразлар базми афюндан ёмон,
У билан ўтган дамииг тарёклик.
Ўйнасанг ишқ, доимо мардана бўл,
Не учун йиглаб, кўзи намноклик?..
Суҳбат ичра кетмасин бурдим десанг:
Сўзла ўйлаб, қилма бўрлик, ноклик.
Элни ҳурмат қилганинг — ўз ҳурматинг,
Душманингдир иописанд, бебоклик.
Бўлма улфат сен дили ғашлар билан,
Юқмасин ғам аҳлидан ғамноклик.
Собиро, кўкси бутунлар бирла бўл,
Келса дуч, қоч, йўлда багри чоклик.

Бир «оғайним»нинг таърифи

Бемеҳнатимнинг миннати тиш синдирур ош устина,
Ишга ғалис, ошга ҳарис, ташлар ўзин дош устина.
Йўқдир ҳазилга тоқати, гапни қўттармас ҳеч қачон,
Берсанг эйёфатдан дарак, дейди туриб: «Бон устина!»
Пар кўрпа қаттиқлик қилур, аввал жигилдан тўлмаса,
Тўйса қорин, хуррак чиқар бошни қўйиб тош устина.
Меҳнат десанг, дер: «Мен касал», мақтовга аммо бесуяк,
Танқид еган кун эртаси танғир рўмол қош устина.
Оч қолса тез тушгай қовоқ, тўқ бўлса гар, пип-пип қилиб,
Андоққи, ҳеч парвоси йўқ, тош тушса бардош устина.
Хизмат учун «ёшим кичик», ҳурмат учун «мен каттамен»,
Гоҳ ёшириб ёшни, гоҳи ўн ёш қўшар ёш устина.
Гар яхшилик қилсанг — дуруст, йўқса ёмонсан доимо,
Иш чиқмаса, гап ёғдирур қавму қариндош устина.
Қилма сафар сен у билан, Собир, эсинг бўлса агар,
Кулфат билан ғам ёғдирур қайтгуңча йўлдош устина.

Умр эмас ундей умр

Умр эмас ундей умр, бемаъни, bemazmун ўтиб,
Яъни bemazmун ўтиб, ҳар ерда санқиб кун ўтиб.
Кун ўтиб, бир нафъи тегмай элга, санқиб, беҳунар,
Билмай ўз қадрини, нодонликда арzon, жүн ўтиб.
Жүн ўтиб, кошки зди жим юрса, давронга тавон,
Маст-аласт, расвойи олам, шишага мафтун ўтиб.
Шишага мафтун ўтиб, борганд ери маълум эрур,
Пул сўрар аста танишдан, ёнидан беш-үн ўтиб.
Ёнидан беш-үн ўтиб, «дўсти»ларни бездиргай чунон,
Ёшуниб «дўсти» дегай: «Кўрмай мени кетсун ўтиб!»
Шу билан кетгай ўтиб умри! Ачингайсан киши!
Ҳеч йўқ эски бинога бўлмагай устун ўтиб.
Бу чирик тан бирла ҳатто синч бўлишига арзимас,
Маст, ҳушёрхоналарда бефароғат тун ўтиб.
Бефароғат тун ўтиб, ётса ярим ой, эҳ, эсиэ,
Дема одам, қайтишида «жони бор пўстин» ўтиб.
Кулма, эй Собир, алардан, қаҳр этиб шеър ёз анга,
Доғ туширса одамизодликка бу маймун ўтиб!..

Валакитанинг туб «Фазилат»лари

Ҳаргиз анга дуч келмаки, озор — валакита,
Қилгай асабий дардга гирифтор — валакита!
У унга солиб, қон босимингни оширурлар,
«Сен энди фалон жойга олиб бор» — валакита!
Ундан чиқасан, қўлда қоғоз, ҳол паришон,
Адресни сўраб: база-ю омбор — валакита!
Истаб топасан бир неча кунлар қидиришда,
Дер унда: «Бухгалтер қўли даркор!..» — валакита!
Қайтиб борасан, қўйдирасан қўл, уин топгаč,
Қайтиб чиқасан ҳоргину bemор — валакита!
Бир арзимаган нарсага бир ой югуарсан,
Қўп ўйнатади қўлида, маккор — валакита!
Бу кичкинаси! Қиссани чўзсан тугамас ҳеч,
Доим кишилар мушкини душвор — валакита!
Айтсанг, куладир бошлиғи! Эвоҳ, бу на ҳолким,
Танқид яна кор этмади, беор — валакита!
Текширгали гар келса тегишли киши: хўп, деб,
Чап берди анга, тулкидай айёр — валакита!

Ғазаб омұхта ғазал

Хеч сенда борми инсоф, беор, әғма, ёмғир,
Иккінчи сортға түшмай «отбор», ёғма, ёмғир!..
Әл — ҳамма пахтазорда, қыл шарм күп ёғишидан,
Ер шилта, пахтазор лой, ағтор, ёғма, ёмғир!
Құқламдз тоза ёғдинг! Хүп, майли, сүз демаймиз,
Ез ойларида бұлдик безор, ёғма, ёмғир!
Күз келди, ўйладикки, ёғмас, бұлур ҳаво соз,
Халқ топди қайта сендан озор, ёғма, ёмғир!
Мешкобчи, шум булатлар, бор, ташна тоғу чүлга,
Иүқ бизда ташна бұлған бемор, ёғма, ёмғир!
Тұсмай қүёшни, теңроқ йүққа чекил, йироқ кет,
Бизларга сен эмассан даркор, ёғма, ёмғир!
Құй, пахтамиз очилсин, терсін ҳашарғы яйраб,
Машиналар турур шай, тайёр, ёғма, ёмғир!
Тұлсын план, кейин ёғ, ҳозирча құй ҳазилни,
«Заб тинди!» — деб қувонсак, такрор ёғма, ёмғир!
Айтишга шум хабарни доим хижил эфирлар,
Берганда радиодан ахбор, ёғма, ёмғир!
Боглай умид, Собир, кун әнди яхши келсін,
Бас әнди, илтимос шу: бир бор ёғма, ёмғир!

Баъзи бир «ҳофиз»ларга

«Аршини нордон суриб кулфатни
давно тортадир...»
(Бир түйдә эшитганимдан)

Дод!.. «Ялла» атаб отини — фарёд қиласылар,
Фарёдки, кими бу ила сиз шод қиласылар?!

Сұзларни улаб бир-бирига, күйга солиб, ох,
Күзларни бүяб, «қайтадан ижол» қиласылар!

Қандоқки, ғазал номини булғаб ҳамма ерда,
Андоқки, құшиқ отига иснод қиласылар!

Қылмай ҳаракат билгали, тахмин ила «боплаб»,
Билмай, «билағон»лик ила барбод қиласылар!

Тақлид ҳам әмас, әплама, бұқтон деса ростгүй,
Танқид әлидан сұнгра койиб, дод қиласылар!

Түзсиз, мазасиз, енгилу елли «ғазал» айтиб,
Юз мақтөв ила күйга солиб, ёд қиласылар!

Бечора құшиқ номини булғаб әл итиңда,
Не чора, бузиб, «янгича» бунёд қиласылар!

Биз сизга десак яхши, равон шеңгу құшиқни,
Сиэ бизге кулиб, «әскіча авлод» қиласылар!


Собирни билиб шүнчаки бир кичкіна шогирд,
Шоирлик учун даъвои устод қиласылар!..

Мудом ростингда тур

Топмади ёлғончи ёлғон, сўзлади ночор рост,
Қийнаб ўз жонини, сўзлаб умрида бир бор рост
Рост сўз айтди ва лекин кимса бовар қилмади,
Қилди ёлғончи тилида қадрини бекор рост.
Ростгўй бўлмоқчи бўлди, терлади, пишди чиқиб,
Ўхшади ёлғонга рости, қиласа ҳам такрор рост.
Бир умр ёлғонни боплаб, жонга ором истаган,
Бу таажжубким, қилибдир ихтиёр изҳор рост.
Ул кечиб ўзроҳатидан, рост сўза айтмоқ бўлур,
Қўрқамен, бир кун топар ёлғончидан озор рост.
Ростдан ёлғон осон эрмиш бировлар наздида,
Келса кор ёлғон аларга, не учун даркор рост?..
Бор эрур ёлғонфурушлар, ризқ учун, обрў учун,
Бу каби жазман харидорга касод бозор рост.
Бошда гар турса қилич, Собир, мудом ростингда тур,
Мингта ёлғондан улуғдир тилда бир иқрор рост.

Н о з и г и м

Айланаман нозигим, ўргиламан нозигим,
Гапда таманно-таранг, «мен ўламан» нозигим.
Кўз сузилиб қошгача, олифталик бошқача,
Уйда эри ош қилиб, ухлади у ошгача.
Айланаман нозигим, ўргиламан нозигим,
Уй ишидан сўз очманг, «мен ўламан» нозигим.
Биттаси битмай ҳали, янгисининг жанжали,
Езда кўнгил қор тилаб, қиш куни миранжали.
Айланаман нозигим, ўргиламан нозигим,
«Мода чиқипти» десанг, «мен ўламан» нозигим.
Уй полини эр артиб, «маникюр кетар!» деб,
Шўрва қилар бир қозон, эртага ҳам етар деб.
Айланаман нозигим, ўргиламан нозигим,
Қоматини мақтасанг, «мен ўламан» нозигим.
Чиқмоқ учун кечқурун, у ясанар эрта кун,
Ойнанинг олдида ишқаланиб юз, бурун.
Айланаман нозигим, ўргиламан нозигим,
Тегса агар йўлда чанг, «мен ўламан» нозигим.



Муштумчилармиз

Қўринг, саф-саф, қатор «муштум»чилармиз,
Қаламкаш, баҳтиёр «муштум»чилармиз.
Ёмонлар сиррини фош айламакда —
Алайна-ошкор «муштум»чилармиз.
Хиенат аҳлини қўймай савашда,
Ҳалойиққа мадор «муштум»чилармиз.
Ҳаромхўрларга биз доим кушанда,
Ҳалолхўрларга ёр «муштум»чилармиз.
Иўлиқса бизга ахлоқи бузуқлар:
Езишга бадхумор «муштум»чилармиз.
Хурофот аҳлига йўқ бизда шафқат,
Шудир бизнинг қарор: «муштум»чилармиз.
Қимики бўлса нафс овораси, бас,
Келур бизга дучор, «муштум»чилармиз.
Агар ким ҳовлиқиб, ҳаддидан ошса:
Қилармиз шармисор, «муштум»чилармиз.
Қилиб ҳажв, кулдириб ҳам йиглатармиз,
Бу бизнинг касбу кор, «муштум»чилармиз.
Бировларга агар «қиши»дек кўринсанк,
Бировларга баҳор, «муштум»чилармиз.
Бу касб бизнинг гуруру фахримиэздир,
Дили соф, беғубор «муштум»чилармиз.
Оқарди сочи Собирнинг ёзишда,
Ёзишда барқарор «муштум»чилармиз.

Давангир

Күрдик бозорда тох кун, тох субху шом давангир,
Санқиб тиланчилукда ризқи ҳаром давангир.
Ким иш буюрса күнмай, «носө»лиги баҳона,
Сүз англамас, қулоги гүёки том давангир.
Оти эмиш «Сулаймон», хәлқ дер уни «сүлахмон»,
Иккинчиси муносиб унвону ном давангир.
Кифтида тоғ күттаргай, лекин юрак йўқ унда,
Үз «роҳат»ига лишиқ, меҳнатга «хом» давангир.
Тирсиллагай вужуди мешкоб каби, чарм тан,
Шаброн десак қилиб ор, дейди хирмон давангир.
Ҳамёнга пул йигилса, майхонага чопар тез,
Ҳеч ичмаган куни йўқ, доим қиём давангир.
Бир касб қисса эплар: фаррош ёки ҳаммол,
Токайгача саланглаб, айлар давом давангир?!
Е борми жонда қасди, бу жонига раҳмсиз,
Олмоқчими ўзидан ё интиқом давангир?..
Қўл чўэди у қилиб дўй: «Бир сўм чўзинг?» дегандек,
Қилмас алам кишига, берса салом давангир.
Ошхонада ўтиранг, шилқим у ерда ҳозир,
Жаҳли чиқар, узатсанг иону тиом давангир!
На кекса-ю, на мажруҳ, ҳам соппа-согу, ҳам ёш,
Пул бандаси давангир, нафсга ғулом давангир.
Шағқат эмас, газабдан ёздим бу шеърии, Собир,
Ақлинг йигиб, ҳаётинг қил эҳтиром, давангир!

Маҳалла «балоҳўр»и таърифида

Айтди қулогимга бирор, гар бўлса ер ўн бор палов.
Нафси бузук, қорни сулов, хушфеъл бир одам бор эмиш.
Гоҳ салла бошида таранг, гоҳ маст юрар у боғи яланг,
Сиз унга гап ташлаб қаранг, эски туллак, маккор эмиш.
Кундузлари чайқов қилиб, алғов қилиб, далғов қилиб,
Ҳар кеч текин ош оя қилиб, чиқса тутун; тайёр эмиш.
Топса текин гўшту гуруч, қилгай ўша ерда хуруж,
Қелса ҳайит: чалпакка ўч, ҳам иштаҳоси ғор эмиш.
Туб жойи чойхона, гузар, ўрдак бўлиб балчиқ сузар,
Бўғтон тўқиб, гийбат тузар, ҳар доимо бекор эмиш.
Бўлса агар хатмикўжа, исни билиб, пойлар кўча,
Халқдан тамакор ўлгуча, бир бетамиз, мурдор эмиш.
Озроқ ичиб, гоҳ эрталаб, закускага лабни ялаб,
Жанжал қилиб, юз юмдалаб, оқшомлари бедор эмиш.
Изғир, борар бозори кўп, халққа берар озори кўп,
Бирни сўкиб, бирни нуқиб, гап тингламас девор эмиш.
Қўнглида нағранг қатма-қат, бу элга ёр бўлмас фақат,
Етмайди ундан манфаат, кўкламда ёқсан қор эмиш.
Мен раҳм этиб, солсам назар, дейди бирор: айланг ҳазар,
Қилсам сўзимни муҳтасар, тинч халқ учун озор эмиш.
Шундай кишилар бору—оз, йўқдир ҳунар, доим хўроэ,
Собир, шулар ҳақида ёз, ўз баҳтига инкор эмиш.

Хих, эшагим, хих

«Шаҳар кўчаларига эшагим
ярашмай қопти!»

(Бир чонинг зътирози)

Чўзиб ҳангравларинг ёқмас қулоққа,
Чиқармасдан садо, хих, эшагим хих!
Кетиб, шоҳ ҳам гадолик юртга боргин,
Минар шоҳ ҳам гадо, хих, эшагим хих.
Қуюшқону тўқим кетсин ўзингда,
Бўлиб мендан ризо, хих, эшагим хих.
Юрап бўлсанг агар асфальтда тоҳо,
Етар ҳалқдан сазо, хих, эшагим хих.
Тушунмайсан «қизил» ҳам «кўк» чироққа,
Тикилсанг ҳам расо, хих, эшагим хих.
Ярардинг хонақо ҳофизлигига,
Топилмас хонақо, хих, эшагим хих.
Бирорта автобус остида қолма,
Кесиб ўтгунча то, хих, эшагим хих.
Ётиб йўл устида, шарманда қилма,
Қилурман илтижо, хих, эшагим хих.
Сотишга топмадим жазман-харидор,
Аё э, бебаҳо, хих, эшагим хих.
Шаҳар қилмай вафо, хих, эшагим хих,
Сурилдинг мутлақо, хих, эшагим хих.

Даштдек қуриғу хосили янтоқ...

Даштдек қуриғу, хосили янтоқ дея қолдик,
Бормас тилемиз дегали ўртоқ дея қолдик.
Гажжак тушириб иккى бетидан иягига,
Сочи хезалак нусха-ю, бўйдоқ дея қолдик.
Хитмиз ҳаммамиз, тушса агар қўз башарангга,
Мушкул чигалу, тескари жумбоқ дея қолдик.
Кўрганда салом қайдада, ғўдайдинг кўча-кўйда,
Гар тушса ишинг: силлиғу юмшоқ дея қолдик.
Уз она тилинг ёт сенга, гаплар тутуруқсиз,
Омухта қилиб жумлани, ҷўлтоқ дея қолдик.
На суҳбатида маза, на қунт қилган ишида,
Эй, қовжираган пўстагу пўстлоқ дея қолдик.
Санқиб кечалар, кундузи лоҳас, иши ёнбош,
Оғзида ошу кўзлари ухлоқ дея қолдик.
Меҳмонга борар, ўртага ташлар ўзини сўнг,
Иўқдир кишилик моҳияти, қоқ дея қолдик.
Бешарму ҳаё, масхара, мужмал демасак ҳам,
Халқнинг кўзида бачканга, тўмтоқ дея қолдик.
Ҳозирги замон ёшлари сендан қилишар ор,
Ақлингни йигиб, теграга бир боқ дея қолдик.
Қилмоқда ҳазар сен кабилардан маданият,
Эй, бетамизу жумла қурумсоқ дея қолдик.
Шаънингга ёзиб Собир агар, қисса киноя,
Биз ҳам қўшилиб, ҳиббиму қўрқоқ дея қолдик.

Бұлмаса

Түй демас әл чап-чапу қандин нишолло бұлмаса,
Писта, бодоми билан то лаң ҳалво бұлмаса.
Ошда кишишу нұхат, устида қази-қартаси,
Затыфаронлик түй ошининг ранги тилло бұлмаса.
Базмлар бейчилик, чойнакда күк чой дөг келиб,
Ҳамма ҳушер, шоду хуррам, мастьу ғанғо бұлмаса.
Икки жуфт созанда, бир жуфт яллачи санъатчилар —
Бұлсалар, аммо бу санъат пулга савдо бұлмаса.
Баъзи түйларда ичимлик бұлмаса, у «түй эмас!»
Ұхшамас эрмиш агар усталда вино бұлмаса.
Ичкиликтін нави күп дунёда, үинодан бұлак,
Рому коньяк, водка-ю бир бочка вино бұлмаса.
Бұлмагай қарздору ағтор баъзи түй қылган киши,
Бу каби ортиқча сарф — мүшкүл мұаммо бұлмаса.
Бұлди урф бу ичкилик құргұр қаердан, оқким,
Еғилур гүё маломат тоши, ижро бұлмаса.
Ичкилик бор түйда йўқдир нозу неъмат қиммати,
Түй деган мазмун қани, то яхши маъно бұлмаса.
Чин, ҳақиқий санъат аҳли ичкилик бор ерда йўқ,
Баъзи бир «санъатчи»лар бормайди асло, бұлмаса.
Ичкилик бор түйда не бұлсны ҳаловат, Собиро,
Түй эмас, мастбозликлардан мусаффо бұлмаса.

Түйхона маст

(Тожик шоири Тошхўжа Асирийнинг «Маст» радиофли ғазалига назира)

Тўй кечи тўйбошидир маст, тун бўйи тўйхона маст,
Ховли маст, гулзор маству қаср ила кошона маст.
Тўйда хизмат қилгали бел боғлаганлар маст-аласт,
Айланиб лампочкалардан, чарх урар парвона маст.

Қийшайиб созандалар маст, кайф билан қилпанглашар.
Үртада турмай оёқда, рақс этар жонона маст.
Тор маст, чирманда маст, най ҳам дутор маст шунчалар,
Созлар носоэу куйлар пойма-пой, жавронга маст.

Ҳиммати жўш урди бир валломати мастилик билан,
Қистириб, айрилди пулдан тўйда шўрпешона маст.
Тўй эмас, майхона гўё, кўпчилик ҳалққа малол,
Қанчалар шўхона шовқин, қашчалар журмона маст.

Номига тўйдир ва лекин беҳаёллар базмидир,
Қийқириб, ҳушёrlарнинг бошидан ардона маст.
Эру хотин маст бўлиб, бошланди жанжал, юз юлиш,
Хотини зайдона маст бўлса, эри мардона маст.

Баъзилар кайф бирла шоду баъзилар бадмаст тажанг,
Баъзилар ичмоққа ҳожатманду муштоқона маст.
Маст бўлиб, ионни тепар сочи узун, найнов йигит,
Тўрдаги ҳурматли меҳмон кеккайнб, шоҳона маст.

Биттаси түшса ўйинга кайфи голиблик билән,
Тұнқайиб, ухлашни истар битта маглубона маст.
Биттаси кулса шарақлаб беўриш, мастилик қилиб,
Үтириб йиглайды четда бир дили вайрона маст.

Ичкарида соч юлиб йиглайды тұйнинг бекаси:
— Берди бундай маслаҳатни, қайси бир девона, маст?!
Шу каби түйларга борғандан, үтирган яхшироқ!
Кир қилур таъбингни, Собир, завқ учун бегона маст...

Бир ҳаммаҳалламга

Чайқов бозорида улгуржи мол билан
түмшүгидан илиниб, ўғрилиги билиниб,
ўлжалари шилиниб, судда ҳукм қилиниб,
маҳалладан оёги тийилган бу одам, сочу
соқолига оқ оралаб «қўйдан ювон, мусича-
дан увол» қиенфада маҳаллада мўралаб,
яна чайқовга шўнгиди.

(*Бу ғазални ўша ҳаммаҳалламга бағиш-
лайман*)

Хомуш ҳам паришон? Сиз энди исла жимсиз?
Чандир эдингиз аввал, ҳал-ҳал пишиб, ҳалимсиз?..
Йўқдир гримга ҳожат, бас айлагач «фокус»ни,
Кўз боқчилик бўлиб фош, юз кўрсатиб гримсиз.

Тушмай узангидан сиз, гўёки сирни бермай,
Аввалда ким эдингиз, ҳозирги кунда кимсиз?
Сархона—бошингида сассиқ тутун буруқсар,
Кўкси қурумга тўлган найсиә, синиқ чилимсиз.

Куч кетди, соч оқарди, изғишга қайда қувват,
Куч борлигига, аттанг, хўп елдингиз тинимсиз.
На касбу, на ҳунар бор, меҳнатда «беладекат»,
Ҳам калтафаҳму нодон, боз устига илмсиз.

Фолиб келибди сафро, кўз тинди, айланиб бош,
Тириашда юз-юзингиз, бағри тилим-тилимсиз.
Бош қотди «бахт» ёнишмай, «комад» учун сирач йўқ,
Пайт келса, чип-ёпимшоқ чайқовчи бир елимсиз.

Олмай қулоққа сўзни, айтганда, эй «огайни»,
Келманг яқин, узоқмем, сиз па оғам, инимсиз.
Кўрганда кўча-кўйда аҳвол сўрса ҳар ким,
Қаққаёнингиз жавобсиз, жимликда лому мимсиз.

Бу кимга зерда? Түғнаб, мол ёғидек қовушмай,
Кун тегмаган фалак ё ёғ күрмаган чармсиз.
Құлтиқда тұртта жимпир, хүшфеълсиз бозорда,
Аммо маҳалла-күйда ўлгунча бадхазысиз.

Ишланғ, ҳалол топиб нон, албатта ҳол-бақудрат,
Собир десин, күришгач: бедогу бежириңсиз!..

Қор ёғсанг-чи

(Табиатга ҳазил)

Утар қиши чилласи, күштүлүк үчүн, эй қор, ёғсанг-чи!
Самога эл тикиб күз, дейди: беш-үн бор ёғсанг-чи!
Ҳавонинг иссиғидан күп дарахт уйғонди, пих ёэди,
Яна қолганлари ҳам бўлмасин бедор, ёғсанг-чи!

Ҳарир—оқ киймади бу ўлка декабрда, январда,
Кечикдинг! Энди февраль ойи, бемиқдор ёғсанг-чи!
Шу кунлар ёғмасанг, март ойи ёғмоқдан печук фойда,
Ёғишиш кўкламда, эй қор, наф эмас, озор — ёғсанг-чи!

Қилиб қиши қишлигин ҳар фаслиниг ўз мавқеи бўлсин,
Сенам ўз мавқенингни фаҳм этиб, ҳушёр ёғсанг-чи!
Оқармоқ ўрнига ер усти кўм-кўк, бир қарич буғдай,
Кутар деҳқону майдон, боғбон, гулаор! Ёғсанг-чи!

Ёғишининг фурсати! Вақт ўтмасин, ёғ каби синтиб,
Шу фурсат ёғмасанг, ёққанларинг бекор! Ёғсанг-чи!
Езиб мен «қорхат», ҳеч кимга ташлолмай, кутай токай,
Энёфат ундириш сенсиз ёмиш душвор, ёғсанг-чи!

Агар сен ёғмасанг, деҳқончиликнинг не бўлур ҳоли,
Қилиб деҳқону боғдорларни миннатдор, ёғсанг-чи!
Агар тоғларда сен турсанг, миронинг кўнгли тўқ то куз,
Қамаймасдан кўпайгай сой, сув омбор, ёғсанг-чи!

Сенинг ёққан кунинг эл иңра шодлик, мұждалар тарқаб,
Таралғай ҳар томон, ҳар ёңга хүш ахбор, ёғсанг-чи!
Ұлар құрту құмурсқа ях билан, боплаб агар ёғсанг,
Еғілмас мевазорға шира! Сен даркор! Еғсанг-чи!

Яқинлашди баҳор ҳам, айни лайлаклар келар ықти,
Баҳор келмай туриб, келгүнча лайлак қор ёғсанг-чи!
Сенға фармос беришга кимда ҳад? Еәмас зди Собир,
Бутун халқ номидан ёзди буни кочор! Еғсанг-чи!

Баъзи «мунаққид»лар ҳақида

Күпроқ асар ёэсанг, дейдир: мунча оз,
Озроқ ёзар бўлсанг, дейдир: кўпроқ ёз.
Оз ҳам ёзмасангу кўп ҳам ёзмасанг,
Мажлисда мунаққид қилмас эътироуз.

Номардга мұхтоҗлик таърифида

Ногиҳон номардга тушғанда ишим,
Тинглаб ташвишини, ортди ташвишим.
Шундай номардларга бўлмасин мұхтоҗ,
Хоҳ узоқ кишиму хоҳ яқин кишим!

Ўз манфаатини кўзловчилар ҳақида

Бирорлар зарарига бир «одил» ҳакам,
Ўз нафии кўзлаб, демиш: мунча кам?..
Бундай ҳакамлардан турсинилар йироқ:
Бўлсин хоҳ акаму бўлсин хоҳ укам!..

Бетоқат кишилар ҳақида

Бор унда ҳар ишга журъат, лаёқат,
Дуч келса кўрсатиб дўстга садоқат.

Аммо бир айбы бор, қишу өз тажанг:
Ез келса оромсия, қишида бетоқат..

Шеъриятдан бебаҳралар хәқида

Баланд мақом жойдир у ўтирган жой,
Шеърга ҳеч хуши йўқ, шоирга равдой.
Еб турган ионини мақтаб, сўрасам:
Кавшаниб сўзлади: Алишер Новвой!..

Музикасиз музикашунос хәқида

Танишдик, мен деди музикашунос,
Мақтанди, мақтога кийдириб либос.
Дедим: Қайси создан хабарингиз бор?
Деди: Соз чалмаклик созандага хос!..

Түюқлар

Лутф этиб ағёрга ёзган номани
Күрсатиб, күйдирди у барно мани.
Мен уни доно десам, нодон экан,
Үртагайми бўлса у доно мани.

Сайр этиб боғ, ёр олса олмани,
Беш эгиб нашвати ҳам дер: ол мани!
Ноумидликда мудом лоқайд әдим,
Ваъдаи васл айлади фаол мани.

Базм аро рақс этди дилдор, ўйнади,
Зулфи тори узра дил дор ўйнади.
Санчса ҳам қалбимга наштар шонаси,
Қайтмади бу дил, дадил дор ўйнади.

Номини сўрсам, кулиб, «Суқсур», деди,
«Ўйнасанг ишқ, бўлмагил суқ, сур», деди,
«Лола гаштини суришни истасанг:
Мен билан бирга бориб Сўх, сур», деди.

Қир оша, йўллар кеза, сувлар кечади,
Севганимнинг ёнига етдим кечади.
Васли тонгига етиштурди мени,
Нечачиечи ўйқусиз ҳижрон кечади.

Тун совуқ, манзия эшикисиз, ромсиз,
Үтказиб бир кечани оромсиз,
Келган эрдим сизни ром этмоқ учун,
Ожим, ҳеч бўлмадингиз ром сиз.

Бўл баланд парвоз, қанотинг ёз, қалам,
Шеърга пардоз боғла, тинмай ёз, қалам.
Тўрт фаслда ёз, яъни куз ва қиш,
Сен учун айниқса кўклам ёз, қалам.

Қанча жон қилсам фидо, ёр оз дегай,
Ишқ дардини чекишдан оз дегай.
Ишқ йўлидан оздириш истаб рақиб:
Бошқа йўл топ, ишқ йўлидан оз дегай.

Дилбарим чиндан қилиб ёрлик менга,
Аҳду паймоин қилур ёрлик менга.
Эл ичида бўлгуси у шармисор,
Қилса ишқда кимса афёрлик менга.

Рубойлар

Куидуз ила түк бўлса тарози, не ажаб,
Куидуз ила тун қисқа-дарози, не ажаб.
Ким кўрди узум умру воле сурмади давр,
Ким сурди ҳаёт даврини, ози не ажаб.

Андиша эли босса тарози ҳамма вақт,
Андишаси йўқ дағдара, бози ҳамма вақт.
Ҳар кимнинг посангиси агар тент келса —
Дўст бир-биридан хурраму рози ҳамма вақт.

Бордир кишилар, қилгаяни пеш қиладир,
Иш қилса, «хўжам кўрсин» учун иш қиладир.
Дўстона сўзинг бирла асал баҳш этсанг:
Душман тушуниб, тил чиқариб, ниш қиладир.

Номард кишини дўст тутиниб, сир айтма,
Покиза дилинг сўнгра қилур кир, айтма.
Бил қалбини, мард бўлса, билиб, дўст бўлгин,
Сўнг унга сиринг минг йўла айт, бир айтма...

Виждонни, бирор борки, жигилдан тушунар,
Илсофга солиб соп, ани кетмон тушунар.
Қорнидан алиф чиқмаса не тонг ўшанинг,
Қиммат ўзи-ю, ўзгани арzon тушунар...

Баъзын киши бор, сафсатани фалсафа дер,
Баъзын киши бор, фалсафани сафсата дер,
Камтар кишилар фазлини элдан ёшуреб,
Бор, битта билимсиз «мени фозил атас» дер...

Бор, фисқу фасод «касб»ига мағрур кишилар,
Сир олмоқ учун юз буралыб, минг эшилар.
Ким бұлса ҳасадгү ўарағзгүй охир
Халқ нафратидан лаънати күкси тешилар...

Рұбоийнамо сатрлар

Бордир кишилар, сұзни дароз айлашади,
Күкракка уриб, құлни жувоз айлашади.
Бошқа ҳаммани «жұжахұroz» деб аташиб,
Ұзни дакани, катта хұroz айлашади.

Бордир кишилар, гапга чечан, ишга нұмек,
Езға суяғи йұғу vale қишига нұноқ.
Тортишга түзук үзи кумочига кулу,
Дұст мушкулиниң үртада тортишга нұноқ.

Бордир кишилар, гипани қоп-қоп қилишар.
Гап тарқатишиб, йўқ нимани лоф қилишар.
Үндай кишига аста узатсанг, яхши,
Бермай қани күр, мүйловини шоп қилишар.

Бордир кишилар, фитна-фасод дүндиришар.
Құрқоқ кишини йұлларига күндиришар.
Иғө қилишиб кийса бирөв янги либос,
Тупроқ сочишиб, устига гард қүндиришар.

Бордир кишилар ризқни текин ахтаради,
Дұстлар уйидан үзига ип ахтаради.
Ұз әшигига калласидек қулфни уриб,
Сүңг құлки ювиб, ош әшигин ахтаради.

Бордир кишилар ичса-ю, кайф айласа бас,
Елдан чиқадир оила, иш, орзу-жавас.
Титрар танаси күрсө ароқ шишиасини,
Сакрашганидек сүв бетида хор ила жас.

Бордир кишилар хотии ила «жамғ» қилишар.
Шөвқин солишиб құшниларин танг қилишар.
Мәхмөнлар агар бұлса құни-құшнисида,
Келтәнләргі минг йұла аттанг қилишар.

Бордир кишилар савлати зұр, фикри сағз,
Иүқ манфаати халқ үчүн, қилмиши коз.
Санъат нима-ю, завқ нима — баҳраси йүқ,
Даъвоси унинг «шеърлараст, нағманавоз...»

Шундай кишидан сақлагыну айлама дүч,
Жонимни у вақт қайга құйяй этса хуруж?..
«Муштум»га ёзиб шу кишилар хақида күп:
Бир вақт қарасам, соч-соқолим мош-гурүш.

«Құлбола рубоиій»лар

Ул дүстки, мени соғинару ёд айлар,
Соғинтирапу гоҳи келиб шод айлар.
Ул баъзисининг дүстлигидан ваҳмим кўп,
Гар тегмаса наф мендан анга, дод айлар.

Ер улки, менга умр бўйи ёр ўлсин,
Паймонида ул токи ҳаёт бор ўлсин.
Ўлмай туриб ул аҳдини бекор этса,
Ўз аҳди каби бурди кетиб, хор ўлсин.

Чин дўстдир агар жисмаро жондир ул,
Жондан ҳам азиэдир, қадрдондир ул.
Бор баъзи қадрденки, касал деса қочиб,
Сен соғсану тўрдаги меҳмондир ул.

Ул дўст дема тўғри сўзинг ёқмаса гар,
Текканда «амал» сўнгра кулиб боқмаса гар.
Ўт баҳридану истамама-ю қоқма эшик,
Иўқлаб сени гоҳ-гоҳи эшик қоқмаса гар.

Ҳар мевали шох тик турадир ғўрлигига,
Ғўр бўлса киши, кўр уни мағрурлигига.
Ғўр мева пишиб, ерга эгилди боши,
Ул қолди ғуур бирла ҳамон ғўрлигига.

Ҳар сунъий ҳусн остида нүқсон ёшурул,
Чин ҳусн удир, маъни тўла кон ёмиурун.
Гар асли гўзалдир, бўямоқ ҳожати йўқ,
Гул очмади ҳеч боғу гулистон ёшурун.

Бебаҳра киши «шеър иши осон» дер эмиш,
Илҳом не десанг «Кавлаб олар кон» дер эмиш.
Билган кишилар шеър ёзиш меҳнатини:
Киприк—қаламу қалб—снёхдон дер эмиш.

Ишқ булҳаваси воқиф эмас ҳижрондан,
Қайдан кечадир васл йўлида жондан?..
Нақд бўлса висол унга топилган чақадек,
Бу ёки у ёр, эрта бўлак жонондан?..

Бир текинхүр таърифида

Оши текин бўлса бас текинхўрга,
Чиқса пул ёлидан, хуноб бўлади.
Лаққадек, асти тушмагай тўрга,
Қолса оч бир нафас, хароб бўлади..

Бўлса тўқ, қорники силаб, дейди,
Кўнгли бир нарсалар тилаб, дейди,
Нонни қаймоқ билан белаб, дейди:
— Орқасидан ошу шароб бўлади!..

Борса меҳмонга у кўзи тўймай,
Тўйса ҳам оч кўзи, ўзи тўймай,
Келса ҳам қовурилиб қўзи, тўймай,
Дейди: — Бир қўй яна кабоб бўлади!..

Эл ғами йўқ дилида, виждан ҳам,
Айшу ишрат бу шахсадир маҳрам,
Үйқу авжи мудом «савти ажам»,
Эснаса оғзи бир таноб бўлади...

Олгани кўнгли кенгу бергани тор,
Яхши сўза эшитишга оила зор,
Рўзада ахтарур текин ифтор,
Бор баҳона: «Есанг савоб бўлади!..»

Үйламай халқни, бир ўзин үйлаб,
Кеккайиб, ҳовалиқиб, бураб мўйлаб,
Кечалар нул саиаб туриб куйлаб,
Ешурунча ҳисоб-китоб бўлади.

Эгри ишга у қанчалик моҳир,
Кирдикори кейин бўлур зоҳир,
Қўлға тушгай у бир куни, Собир,
Ундан «роҳат»лари азоб бўлади.

Десам, деди

Ухлама күп, зарар десам,
Мунча сүзинг дагал, деди,
Ишламасанг агар десам,
Берма менга халал, деди!

Чайнамадинг еганда ош,
Балки гуручда майда төш!
Чайна дуруст, жигар, десам,
Сүзлама ош маҳал, деди.

Борми ҳаё, сўрашга пул,
Сўнг келасан ичиб нуқул!
Қултуми ҳам заҳар десам,
Кулди, менга асал, деди.

Тенгу тўшинг ўқиб одам,
Олға мудом босар қадам!
Ҳаммага сол назар десам,
Қўй мени тинч бу гал, деди.

Фаҳму фаросатингга,вой.
Ёйгани элга ноқулай!..
Шунча гапим етар десам,
Гап эмас, у масал, деди.

Тұпла ұшынғ, ўзингга кел,
Онага боқиб, тикні!
Эл қиласыр ұзар десам,
Солди қовоқ, сүгал, деди.

Еш кишисан, ўзингга боқ,
Сенга лақаб әмиш «саёқ!..»
Үрганиб ол ұнтар десам,
Қистама, мен касал, деди.

Мен дедиму, у ұам деди,
Қайда ўзига ғам еди?!.
Ул!.. Сени ер ютар десам,
Мен ила дүст ажал, деди.

Халқ термалари йүлида

Рост сүз қоладир расолигича,
Пок дилда муддаолигича,
Ростликдаги бебаҳолигича,
Ҳам мұтабару даҳолигича.

Елғончи үзиб, узоқлай олмас,
Халқ наэдида үзни оқлай олмас,
Рост сұзлаши бирла ёқлай олмас,
Қолгай у юзи қаролигича.

Яхшини биров ёмон демас ҳеч,
Нафини деру зиён демас ҳеч,
Йүлини түсіб, «қаён?» демас ҳеч,
Чин сүзи қолур раволигича.

Күрганда ёмонни, юз ўгургин,
Юқтирма қора, узоқда юргин,
У қолса ёмонлигича: күргин,
Инсонлигидан жудолигича.

Баъзи кишининг иши хусумат,
Ташвишга қўяр кишини туҳмат,
Одам каби гарчи саҳт-сумбат,
Ўт сочгуни аждаҳолигича.

Минг шам ёқилиб қүёш бўлолмас,
Қум бархани тоғу тош бўлолмас,
Қўнгли қора элга бош бўлолмас,
Босган қадами хатолигича.

Бор, баъзи бирон ҳаромга ўчдир,
Ҳурматга, текин таомга ўчдир,
Мақтога, ширин каломга ўчдир.
Ўз нафсига мубталолигича.

Бўлсин бино пойдевори маҳкам,
Ички безагини ўйлагин кам,
Иш бошида бўлу чекма сўнг ғам,
Қолгай қуламай бинолигича.

Килганда хато тузат уялмай,
Дўст танқидини кўнгилга олмай,
Халқнинг ичиди уятга қолмай,
Қолдирма ишинг хатолигича.

Учмоқ тиласанг, баланд ҳаво қил,
Фазл ортирип, ўзингда кимё қил,
Фазл аҳлини дўсту ошно қил,
Ҳар дардга сўзинг даволигича.

Қадр этки, ўзингни қадринг ортур,
Меҳринг ҳаммани ўзига тортур,
Дўстинг келадир, йўлига бор, тур,
Дўст ҳурмати дилда жолигича.

Дўст дўстни танир оғир синовда,
Бир тошга қўйнишда бош, туновда,
Тошқинда, курашила, ўт-оловда,
Дўст дўстига жон фидолигича.

Сүз танла дейишига, сүнгра сүзла,
Хар жумла сүзингни хүш рамыэла,
Эл хотирида қолиши күзла,
Қолдир уни дилраболигича.

Халқ ҳар нимага ҳамиша қодир,
Гоҳ мұжизакору гоҳ баҳодир,
Күз сурмаси бу губор, Собир,
Үз қадрида түтиёлигича.

Етиб кел

(1936)

Тонқобой: (Собир Абдулла)

Яна хат ёзгудек бўлсанг мабодо,
Кетидан сен ўзинг ҳам тез етиб кел.
Хат эмас у, чизиқлар пода-пода,
Табият хитлигини сеъ, етиб кел!

Абутанбал: (Абдулҳамид Мажидий)

Қоғознинг устига нусха чизибсан,
Чизиб, ғич-ғич этиб, гапни әзибсан,
Ўзинг ҳам тер чиқармасдан қизибсан,
Этиб бир-икки кун ларҳез, этиб кел!

Тонқобой:

У қўлми, билмадикки ёки тўқмоқ?
Қийин бўлди бирор мазмунни уқмоқ,
Саводми, эгри-буғри эски сўқмоқ?
Очилди сен учун «лекбез», этиб кел!

Абутанбал:

Езиш қондасининг астаси йўқ,
Қаламнинг бари соғдир, хастаси йўқ,

«Ч» ҳарфи бир ўроғу дастаси йўқ,
Бўлиб темирчи ё дегрез, етиб кел!

Тонқобой:

Отанг темирчими, гапни чўзибсан,
Чизиқларни йигиб, жумла тузибсан,
Саводни яхши судраб, хўп бузибсан,
Уялсанг, қил юзингни без, етиб кел!

Абутанбал:

Езилган ҳамма ҳарфинг бир муаммо,
Бу — ҳарфми, вақт сарфми ё мусаммо,
Тушунмоқ бўлди кўп душвор! Аммо
Ўқилганда ўзинг тур, тез етиб кел!..

Тонқобой:

Чувалчангдан ясаб «С», «О» ми, ҳалқа?
Бўлибдир барча ҳарфлар шалҳа-шалҳа,
Тақадан «П» ясаб, ҳар нуқта—соққа,
«Ғ» ёзмай, битта тўқмоқ чиз, етиб кел!

Абутанбал:

Хатинг бад, маънисига етса бўлмас,
Будир мақсади, деб ҳукм этса бўлмас,
Хатинг ҳар ерда қолиб кетса бўлмас,
Тур ўринингдан, бўлиб нимхез, етиб кел!

Тонқобой:

Фузулий айтганидек, «кўз» бўлиб «кўр»,
Яна бир ерида «зўр»ни ёзиб «тур».

Ұзинг хом, жон ука, ёзғанларынг ғүр,
Саводга янгилик киргіз, етиб кел!

А бутанба л:

Тұулиқдир ҳар қоғознинг орқа-олди,
Үқишида күз тиниб ҳам тинка толди,
Тушунтирган әдик-ку, қайда қолди?
Қилар ундан күнгил без-без, етиб кел!

Тонқобой:

Қоғоз дод деб, ёқасин қипти пора,
Қаламда Ық гуноқ, аммо на өора.
Құлиниңга тушганидан бора-бора,
Үялгани әмас бежиз, етиб кел.
Езиб, сүнгра яна тақриз битиб кел!

Танқиддан кейин

Дүстимни танқид этдим,
Бошим балога қолди,
Хақ сүзни деб, «көйтдим»,
Таъбим сиёга қолди!

Аввал кулиб мулойим
Сұзлашгай зерди доим,
Сұзида пойма-пойим,
Мотамсарога қолди!

Берсам салом, алик йүқ,
Киприкларин қилиб ўқ,
Елғиз топиб, қилар дүқ,
Кун илтижога қолди!

Жилмайгани киноя,
Үч олса берисоя,
Дуч қылса минг балоя,
Шу ошнога қолди!

Борса олиб қаерга,
Машинасида бирга,
Үтганда боқди ерга,
«Такси» кирога қолди.

Машғул бўлиб ишимга,
Кўйдим тишим-тишимга,
Дебдир яқин кишимга:
«Сўзлаб, хатога қолди!»

Аммо ўзи ҳамиша,
Ушлаб қўлида «теша»,
Танқидни эша-эша,
Кўплар жафога қолди!

Ишлар эдим «қўлида»,
Иккى кўзим йўлида,
Энди қолиб сўлида,
«Дардим» давога қолди.

Халқ олдида ширин сўз,
Ер остидан тикиб кўз,
Сўз ўзгача талаффуз,
Ишлар имога қолди!

Ўз «хоҳишм»ни кутди,
Арзамга кўзни тутди,
Дўсти эдим, унуди,
Қадрим гингса қолди!

Танқид топиб ҳақиқат,
«Дўстим»ни қилди диққат,
То бўлгунча ҳақиқат,
Собир азога қолди.

Эски мактаб ва «жинни» Али хотираси

(Ешлик эсдаликларидан)

Маҳаллада эски мактаб бор эди,
Биз кўп эдик, мактабимиз тор эди,
Бир тор эмас, балки зулмат фор эди,
Домламизнинг таълими озор эди.

Дин, хурофот «даврон сурган» бир палла,
Зеҳнимиз хит, кўнгул хира, хум калла,
Хум каллага қўнқайтириб оқ салла,
Қаршимизда хипчин билан дор эди.

Кун кўринмас, осмонимиз туманили,
Балогатга етиш-етмас гумонли,
Устозимиз бўлса эшаксимонли,
Ушқириши доим «хару хор» эди.

Гирт саводсиз, фазли ҳам йўқ тариқча,
Қўл ювса у ҳазар қиласар ариқча,
Нафси аждар, лунжи эски чориқча,
Тутун чиққан туйнукларга ёр эди.

Исми поки қорибоши Мирқамбар,
Ўзи судхўр, топған пули чил-чамбар,
Пайшанби кун ион тўплагай бир замбар.
Суҳбатини сўрсанг музу қор эди.

Мактэбхона ертүладек зах эди,
Еэда сассиқ, қишида эса ях эди,
Халфа қори аҳмогу аблак эди,
Беҳуда сўз оғзида қайнар эди.

Кимнинг тўни инги, иши соз бўлиб,
Домласидан ҳурмату эъзоз бўлиб,
Унга дўғу дағдагалар оз бўлиб,
Айтганлари ҳаммаси тайёр эди.

Кимки фақир қамчи синар бошида,
Обрўси йўқ домласининг қошида,
Бунга сабаб кундаги нон, ошида,
Нон ила ош ташимаган — хор эди.

Беш йил ўтиб, бўлди тамом ҳафтияк,
Эт ёпишиб пўстга, кўринди суяк,
Ухлар эди домла тутамлаб ияк
Чекмиши банг, ичмиши кўкнор эди.

Баш эмас у домлада, хом ошқовоқ,
Биз бу ўқиш йўлида беиштиёқ,
Шовқину сурон билан ёдлаб сабоқ,
Рости шуки, кимга у даркор эди?..

Қатлама ҳам ёғли патир порамиз,
Яхши кўринмаклик учун чорамиз,
Келмаса шу, чаккамизни ёрамиз,
Домла мугамбир эди, айёр эди.

Шифтда осиғлиқ ҳамма вақт дор-палак,
Унга осар бизни бу хотин талоқ,
Биз болалар сайрашиб худди ялоқ,
Ўртада у домла-кўлансор эди.

Рұза келиб, қызды «бозор шаб»и,
Чиқди тамошага Али ҳам Наби,
Турмадилар хатмида бизлар каби,
Бу кечада ҳамма бола бор эди.

Эртаси күн аста кириб келдилар,
Домла тутиб, усти бошин шилдилар,
Иккисининг ҳам танини тилдилар,
Үнга чидаш күпгина душвор эди.

Дард чекишиб, ёшларини түқдилар.
Сұнгра тикан устида тиз чўқдилар,
Ичларида домлани хўп сўқдилар,
Утди ою, иккиси bemор эди.

Она сути оғзида, бизлар сағир,
Кўп урилиб, бошу бўйинлар яғир,
Ўқиш оғир, хизмати ундан оғир,
Мактабидан ҳар бола безор эди.

Домла қилиб ҳужрада ҳалвойтар,
Бир татиди, сўнгра деди:— баччагар!
Шўр эди, ўеч йўқ эди қанддан асар,
Жаҳли чиқиб, юзини тирнор эди.

Домла қиласай ҳужрада деб бир палов,
Еғни қозонга солиб, ёқди олов,
Ташлади тупроқ қозонга иков,
Иккиси том устида пойлор эди.

Бир кун яна чангиди мўри, ўчоқ,
Домла сезиб, қўйди уларга тузоқ,
Қўлга тушиб Али, урилди узоқ,
Тавба қилиб, ёлвориб, йиглор эди.



Чангалидан сүнг Али чиқди аранг,
Мияси топди шикаст, бўлди гаранг,
«Жинни» бўлишдан Али аҳволи танг,
Ҳуши кетиб, ҳолати иҷор эди.

Ёш Алининг бўйнинг тушди кишан,
Кўп урилиб, кўп эзилиб ёш бадан,
Шундай эди илгари «тарбия», «фан»,
Мактаби гўр, домласи хунхор эди!

«Биздан йироқ кетгүнча...»

«Сифат әмас, сон даркор!.. Иш борар жадал шунча»,
«Ким орттиса нормадан тақдирлаймиз!..» (Тушунча!)
Пухта деманг, соз деманг, аҳамияти йүқ унча,
«Биздан йироқ кетгүнча, эгасиға етгүнча...»

Туфли олсам: бир пой тор, бир пойи андак катта.
Дерлар: «Тордан ҳуркманг, тор кенгаяр худди латта,
Иссиқ кунда кенг пойи торлашады албатта,
Биздан йироқ кетгүнча, чок-чокидан кетгүнча...»

Шым тиктирсам «Горбитга», бир почаси тор келди,
Бир почаси кенг, узун!. Чунки шошиб бичилди.
Директорга арз қылсам, у афтимга тикилди:
«Биздан йироқ кетгүнча, ўз уйига элтгүнча...»

Заказ қылсам эшик, ром: топ ташлади құрмасдан,
Хұл тахтаси бужмайды, бир ой қүёш күрмасдан,
Ҳар томонға қийшайды мастрлардек, тик турмасдан:
«Биздан йироқ кетгүнча, иморати битгүнча...»

Ҳалвофуруш «пашмак» деб, менга похол сотибди,
Қиём тушмай бир мисқол, тол-тол бўлиб қотибди,
Уйга келиб етгүнча ун-ун бўлиб ётибди:
«Биздан йироқ кетгүнча, ҳафсаласи битгүнча...»

Олиб келсам ўтган күн набирамга ўйинчоқ,
«Автомобиль» бузилди гирр этиб айланибоқ,
«Қилич» дастаси синди бирор соат ўтмаёқ:
«Биздан йироқ кетгунча, ёш бола иргитгунча...»

Набирам учун олсам, ёзда кияр деб шапка,
Телпак ўраб берибди, овора бўлиб гапга,
Қайтиб олиб борсам дер: «Қишда кияр мактабга,
Биздан йироқ кетгунча, очилмай сўлар гуича...»

Қассоб ушлаб ойболта, ўтин эмас, гўшт чопар,
Хотин гўштнинг ичидан юзлаб «қилтириқ» топар,
Қассобларнинг айбини парча лаҳм гўшт ёпар:
«Биздан йироқ кетгунча, уйга элтиб титгунча...»

Гижда сотар ион дўкон: усти қизил, ич хамир,
Ушатгандан сўнг кўриб, ушлаб кўрдик бирма-бир,
Пишмаган ион чиқариб, мунча шошмаса ахир!..
«Биздан йироқ кетгунча, қоринни оғритгунча...»

Керак, директор учун «тез бўл, тез, норма, план»,
Халқнинг истеъмолига «бўлса-бўлар»лик билан,
Сифат эмас, сон даркор, «план тўлди!» деб чиран,
«Биздан йироқ кетгунча, Муштум уни битгунча...»
Чатоқликлар бор шунчал..

Тұй ҳангамаси

Тұй деганда аммамнинг дарди кетди, Жон кирди.
Чиқди уйдан ош, сомса, қайтиб икки нон кирди,
Рұзгорим чиқым тортиб, үйтакка зиён кирди,
Тұй үзи жуда яхши, сарфлари ёмон кирди,
Кун ұтмай тұйға айтиб құшни бир жувон кирди.

Уч кампиру тұрт бола, олдинда икки ёши,
Төгірек оғирликтан қыңқайыб бүйни, боши,
Тұйхонага етгүнча ошликдан чиқиб оши,
Офтебда қатиқ ичган, хотиним қариндоши —
Чарларга чарлаганда шовқину сурои кирди.

Тұй бору ҳаловат йүқ, үлтиргани жой қайда,
Төр ҳовлида ҳалқ ғиж-биж, кошки бу сарой қайда,
Қовурмаси картышка ҳам ошида мой қайда,
Тик турмак ила мәхмөн, қочмакка қулой қайда,
Боз устига базм истаб, тұп-тұп оломон кирди.

Тұйхонада йүқ тартиб, үн ошпазы юз чаққон,
Келдимгми дегучи йүқ, бир четда турар мәхмөн,
Ичкарида қий-тұзон, юзлар юлишишдан қон,
Хеч ерга сиғишимасдан турғанда ҳамма ҳайрон,
Тұйбогини құлтиқлада уч-тұртта пиён кирди.

Хуллас, хотиним чарчаб, бир тун тунағач, қайтди,
Төгөраси құлтиқда, онам ила оч қайтди,
Дастурхони бұш қайтмай, бир құша күмөч қайтди.
Тұқ икки саноч борди, бұш икки саноч қайтди.
Түйда юлышиб қудалар, жаңғ бұлды, қирон кирди.

Ким түй десе безиллаб, түёнага йұқ тоқат,
Түй ҳам чиқадыр ҳар күн, ҳар күн бузилар роҳат,
Түй қылса бирор: уйда юз машмаша, ұн кулфат,
Хотин қыладыр жәнжал, қайнана бұлиб диққат,
Ойликка тушиб рахна, құнтакка толон кирди.

Күа ойлари ҳар күн түй, түй бұлсину соз бұлсии,
Ортиқча чиқим бұлмай, ұз ұрнида, оз бұлсии,
Түёнаси ҳам енгил, ҳам яхши ниәз бұлсин,
Исрофига құймай йүл, түй үрта миқоз бұлсин,
Бу урғ шу күн кирмай түйларга, қачон кирди?

Түй бұлсину әл түйсін, түйдан ҳамма шод бұлсин
Түй номига бұлмасдан, әл завқи зиёд бұлсин,
Үтмай хұжа күрсінгі, мақсуду мурод бұлсин,
Ойлар үтиб ундай түй мақталсуну ёд бұлсин:
— Түйхонани табриккаб, баҳт кирди, замон кирди.

Ул йигитни ким йигит дер

Ул йигитни ким йигит дер, дилда ори бўлмаса,
Эл ичиди бир йигитча эътибори бўлмаса,
Бесаботу басубут бўлса — қарори бўлмаса,
Иш деса бетоқату ланжу мадори бўлмаса,
Халқа манзур, юртга наф бир кору бори бўлмаса.

Бўлмаса ўз қиммати ҳал этмагай қиймат либос,
Елчимас ҳеч нарсага ким беҳунар, беихтисос,
Йўқ эса, тар аслида кор келматай юз илтимос,
Айла ёшлик шаънини бу рўдалолардан халос,
Яхшиларга эргашибга ихтиёри бўлмаса.

Бир йигитнинг доди касри кўп йигитга дод бўлур,
Юқтирас дод ўзгаларга, унга ким ўртоқ бўлур,
Этса сайд номард чаманда, гул сўнар, янтоқ бўлур,
Мард йигит кезган биёбон кўкси яшинар, бод бўлур,
Яъни дил кўзгусининг гарду губори бўлмаса.

Кайфидан хурсанд ўзи-ю, ўзгага озорлар,
Учраган ҳар қизга гап ташлаб, ажаб хушторлар,
Одамийликдан асар йўқ беҳаё, бекорлар,
Йўлтўсар бу шум рақиблар, муттаҳам ағёrlар,
Қайда билсин ул вафо расмини, ёри бўлмаса.

Кимниким озода қалби эл ғамига банд эмас:
Кимга фарзанд бұлса бұлснин, әлга у фарзанд эмас,
Нобакор фарзанд учун бу давр ҳожатмандаң эмас,
Қилмишидан үзи шоду үзгалар хурсанд эмас.
Ҳар нағаснинг дастиғири бұлмаса.

Ул йигитдирким, эл ичра зътибори бор унинг,
Ибратаро ҳұлқи хуш атвөр, ори бор унинг,
Үзгага күз ташламас — күзи хумори бор унинг,
Илму одобу фазилат ошкори бор унинг,
Муддао ҳосил эмас, шундай шиори бұлмаса.

Кор қымас бұлса танбек, таъсир этмас бұлса сүз,
Үз умид, меҳру муҳаббат боғлаган күнглингни уз,
Кет йироқ үндай йигитлардан гаҳи тушганды күз,
Садқаи панду насиҳат, Собиро, ҳажвингни туз,
Номус-ори нор йигитлар ифтихори бұлмаса.

Бошдан-оёқ нүқсон

Гапир! Қачон сени күрдим, мудом шошиб турасан,
Гоҳ тиниб күринарсан, гоҳи тошиб турасан,
Насиҳат айламасын деб узоқлашиб турасан,
Ичишда шоҳ чиқазиб, тўрт оёқлашиб турасан,
Гоҳида ўнишибугоҳ таёқлашиб турасан!

«Ҳунар» деса жуда кўп сенда, лек қунтдан йўқ,
Бирини эпламадинг уддалаб, қарашда совуқ,
Енингда хемири йўқ, чўнтағинг ҳамиша қуруқ,
«Яримта ола келинг!» деб яна бериб буйруқ,
Кутишда чорраҳада, аста бош қашиб турасан!

Бирор даромадини, кўпми-оз, суриштирасан,
Бирор кийинса дурустроқ юзинг буриштирасан,
Ҷақиб бирорни бирорга, кейин уриштирасан,
Қилишда ризқни чиқимсиз, ҳазил уюштирасан,
Ошига иштаҳа сақлаб, иноқлашиб турасан!

Насиҳат айласа ҳар ким, шу онда масала ҳал,
Танангни титрашидан зилзиланг бўлиб ўн бал,
Иложни ахтарасан, тингламай кетишга жадал,
Қачон одам бўласан, ёш ўтар, аё танбал?
Ҳануз замонага нозу фироқлашиб турасан!

Бирор гапирса дәдилроқ, сен унга сақлама кек,
Яшайди мәңнат этиб бахтиёр, бу катта·кичик,
Топибди, қандини урсын, бирорки, иши йирік,
Хасад қилиб сен унга, күролмадинг шекиллик,
Фашинг келиб, аламингдан димоғлашиб тұрасан!

Муроса деб ўрадинг салла, гоҳ кийиб шапка,
Гоҳи мачитга бориб, гоҳи кирдинг мактабға,
Бирор гапирса бирорға, аралашиб гапға,
Бориша телбасимон, гоҳи ўнг, гоҳи чапға,
Топылса хатмихұжа — ош құноқлашиб тұрасан!

Эсиз·эсиз ҳұнаринг, ишларинг қолиб кетди,
Шишлоатингга ёғиб дүл, ювиб, олиб кетди,
Заволга учради умрингу «жин чалиб» кетди,
Кимики құрса сени қаҳри құзғалиб кетди,
Хаёт завқи билан сен видолашиб тұрасан!

Чапак

Анжуман, мажлис бадан бўлса, анга жондир чапак,
Толса гар миёбарда нотиқ дори-дармондир чапак,
Чўзгали маърузани вақт ила имкондир чапак,
Үндирар завқ бирла шавқ ҳар ерда, дехқондир чапак.
Яхшидир, ким чалмасин, рост ёки ёлғондир чапак.

Бечапак ўтган йигни асло йигинга ўхшамас,
Үйғонур қарсак билан ҳар дилда бор орзу-ҳавас,
Утса тўй базму чапаксиз, жимгина, у тўй эмас,
Шоду хуррамликка кавшар дейди ҳалқ қарсакни, бас.
Қайда шодлик базми бўлса, унда ҳар ондир чапак.

Лек, бор қарсакчилар... Бефарқидирлар ончинон,
Қарс уриб ҳар сўз учун мушкул, муаммо, ноаён,
Ноўрин қарсак чўзилса, келтирур вақтга зиён,
Баъзи концертларда қарсак устига шовқин-сурон,
Мияни янчиш учун сувсиз тегирмондир чапак.

Иҳтиёрийдир чапак, тингловчиларда иҳтиёр,
Нутқнинг манзурлиги бўлгай чапакдан ошкор.
Бўлмаса манзур агар ыутқ ҳамма безор, бекарор,
Нуқтадон ҳушёр бўлса, шунга бергай эътибор:
Эснашиб, жимлик сурар ҳукму пушаймондир чапак.

Бу чапак салбий эмас, ижобиі таъсир қуввати,
Қанча қарсак бұлса соз: нотиққа халқнинг ҳурмати,
Сақналарда юксалур қарсакда санъат шуҳрати,
Шеърият базми аро айниқса қарсак қиммати:
Яхши шоирлар билан доим қадрдондир чапак.

Билмагай баъзи киши, санъат ва ҳурмат қандақа?..
Маърифат йўқ, фикри ундей, усти боши бундақа,
Савлати от ҳуркитар, туртсанг секин, тутгай ёқа,
«Сўзлаши кимга керак, раққосалар чиқсин бақа!..»
Тўртта нодон гар театр кирса нодондир чапак.

Ҳамма ҳам сезса эди ўз мавқен ҳам кимлигин,
Бузмаган бўлгай эди залнинг ҳамиша жимлигин,
Кўрсатиб чалгай чапак гўё яқин ходимлигин,
Дема ходим, бир хушомадгўйлигин, шилқимлигин,
Гар хушомадгўй кўпайса залда арzonдир чапак.

Бўлсалар беўпкалар мажлисда қилгай беҳузур,
Яхши сўз, хоҳи ёмон қарсак урилгай зўрма-зўр,
Уйлагай қарсак чалиб, кўрсатса у ўзни «кузур»,
Ёзмасанг, Собир, хумор босмас, сенинг феълинг қўзур,
Кўп ошиб меъеридан, кафти напармандир чапак.

Анқов раҳбар, хушомадгүй хўжалик ходими

Танқид кўриб хиёнаткорнинг димоғи кўйди,
Ўт тушди режасига, қўйган тузоги кўйди,
Ошни шошиб ютишдан оғзи, томоғи кўйди,
Питиллади товуқдек, шоҳди, оёғи кўйди,
Чақнаб кўзидан ўтлар, қошу қовоғи кўйди.

Кўз чалғитиб ўғирлаш бўлганда фикри ёди,
Қил суғуриб ҳамирдан, урмоқ эди муроди,
Найранг калитларидан ризқ қулфининг кушоди,
Хўб ўрганиб текинга, чиққан экан «савод»и:
Фикри чувалди бошдан, олган сабоги кўйди.

Иўл қўйди бунга бошлиқ, бўлганлигидан анқов,
Раҳбарни гангиратди «сиз яхши, тўғри, ҳов-ҳов...»
Ёғдек ёқиб хушомад, авж олди мадҳ-мақтов,
Ииллар чўзилди сирлар, йўлга «касал» бўлиб ғов,
Қилди иситма ошкор, ўйнаб сўлоғи кўйди.

Үйлар эди ҳамиша мен бир ўзим бўлай деб,
Виждан сотиб, пулига қорнимни тўйдирай деб,
Бир пул учун ичиб онт чўнтакни тўлдирай деб,
Чаққон бориб «ҳисобот» қолганда улгурай деб,
Чўт донаси адашди, пулнинг саноғи кўйди.

Мажлиседа фош этилди найрангу кирдикори,
Босди ташни солуқ тер, кетди бутун мадори,
Күэидан ўтди бир-бир ашё-ю рўэгори,
Созланди машқи пастроқ ҳам тушди ерга тори,
Багри туташди бундан, дод бўлди, оёғи куйди.

Урганда шоти қўймай осмоннинг юлдузидан,
Тўқсонни «сув» қилишга халқ молининг юзидан,
Қим айтса «растрат»дан, бу хавфсираб ўзидан,
Танқид деганда сапчиб, ўт чақнатиб кўзидан,
Дўстлар насиҳат этди, тил толди, жоги куйди.

Ўз ҳолига яшай деб, аввалда халқдан ажраб,
Кўрсатса тўғри йўл ким, турган ерида сакраб,
Муштумча лойтузоққа сўнгра илини сайдраб,
Ҳасрат алансидан учқун ёпиши сараб,
Тингловчилар толиқди, сабри, қулғи куйди.

Ҳар ёққа чопди, елди, ёпмоқ йўли топилмай,
Кўпроқ очилди сирлар, иуқсонлари ёнилмай,
Танқид қизиб, қозонсиз қовурилди ўт ёқилмай,
Топмайди тўғри йўлни, кўр токи бир қоқилмай,
Халқ оллида ичиб онт, гўё «чатоги куйди...»

Халқ мулкини ўғирлаш, бу халқига хиёнат,
Юз «стовба»дан ювилмас дерлар кичик жиноят,
«Дўстлар» йигилди судга, қилмоқ учун ҳимоят,
Қонун жавобгар этди, кесди уни, ниҳоят,
Нафс деб, қамалди, қалбаки ёнган чироги куйди.

Яна «эрта келинг!»

Куз эди, чилла чиқиб, кирди баҳор: «эрта келинг»,
Бу баҳор ёмгири ҳам қилмади кор, «эрта келинг»,
Бўлди ёз, чанг аралаш лайлу паҳор, «эрта келинг»,
Ез ўтиб, куз ҳам ўтиб, қиши, яна қор: «эрта келинг»,
Эски гап, эскича феъл, эски қарор: «эрта келинг».

Илтимосимни қабул этди: «киринг, хўп, қиласиз»,
Гоҳи дўқ урди менга, гоҳи ҳиринг: «хўп, қиласиз»,
«Иш зарур, оғриди бош, кам ганиринг, хўп, қиласиз»,
Ошно қилса агар аста жиринг: «хўп, қиласиз»,
Бизга қолганда яна топди барор: «эрта келинг».

Аризам турса-ю, кўз ташламаса, не қилайн,
Куйдириб жон, бош қашламаса, не қилайн,
Омадим илгарига бошламаса, не қилайн,
Менинг сарсонлигим ўлашмаса, не қилайн,
Тугалиб сабр, қилур ғамга дучор, «эрта келинг».

Кишилардек ва на жанжал, ва на шовқин солдим,
«Тўрасизлар!» дедиму тоза балога қолдим,
Ачниқ устида шошиб қўлга қалам ҳам олдим,
Ёзилиб неча сатр ҳажв, ёзишдан толдим,
Айлагач бошини гаранг, дўппини тор «эрта келинг».

Битмаган ишларимиз битди, гумон қилмандылар,
Битмаган иш ҳақида ҳеч телефон қилмандылар,
Уни танқид қилиб, менга зиён қилмандылар,
Дүстлар, әлга ёйиб, ҳеч достон қилмандылар,
Бунда бир менга эмас, ҳаммага бор: «эрта келинг!»

Боравермаклик ила, ҳамма танишдир менга,
Кираман тинка қуриб, терларим артиб енгга,
Чидамим лойиқ зерур оғарыну таҳсинга,
Чигалимни сұрасам, фол очириб фолбинга,
Деди: «Собир, пулнгиз кетди бекор, әрта келинг!»

Баҳор ва лаганбардор

Сиз ҳам мен буида, қолганлар ишда,
Ҳамма иш билан, турли ташвишда.
Сиз то тургунча тайёр ионушта,
Хоҳ ёғлиқ қази, ҳоҳланг яхна гоз,
Ухланг, эй қўзим, фурсат бор бир оз.

Ҳам ошначилик, ҳам улфатчилик,
Оқлайман ўзни мен бўлсан тирик,
Бўлса яхшилик қайтар яхшилик,
Ошлар сергўшту шўрва серпнёз,
Ухланг, эй қўзим, фурсат бор бир оз.

Дўстим, тўғриланг ёғлиқроқ бир иш,
Сўнг камчиликдан тортмайсиз ташвиш,
Айтиб қўйсангиз келмаса тафтиш,
Мендандир хизмат, сиздан имтиёз,
Ухланг, эй қўзим, фурсат бор бир оз.

Яхиси, менга беринг омборни,
Шунда кўрарсиз омадикорни,
Мен тахт, тиндирай икки рўзгорни,
Мен кўпдан бери шунга ишқибоз,
Ухланг, эй қўзим, фурсат бор бир оз.

Ез чоги қылсак бирга саёхат,
Оҳ-оҳ, тасаддуқ, жонларга роҳат.
Ҳар йил бу кўклам келмоқда бевақт,
Бир ой олинг дам, бундан кейин ёз,
Ухланг, эй қўзим, фурсат бор бир оз.

Аста босайми белни, оёқни,
Ё келтирайми конъяк, ароқни,
Ё аллалайми айтиб «Ироқ»ни,
Ё бошлайними «Гулёр»у «Шаҳноз»,
Ухланг, эй қўзим, фурсат бор бир оз.

Истарам

Дейди бир худбин: «Текинга гүшт билан мой истарам,
Бир текинхүрменки, ёғлиқ ошу күк чой истарам,
Сүхбатимга күзи шаҳло, қоши ўқ ёй истарам,
Бошқа парқу, тингламоққа савти эшвой истарам,
Ҳар кечә базм этгали маҳфий, шинам жой истарам.

Қаттагадирмен лаганбардор, кичикка бадқовоқ,
Мушкулымни ҳал этар капгир билан ёғлиқ товоқ,
Ҳар қўпол сўзни қилур силлиқ, ўтиб конъяқ, ароқ,
Қўлга олмоққа бу дам оламини мен сериштиёқ,
Бошқа қаебим йўқ, шуни доим йилу ой истарам.

Сердаромадроқ ўрин мўлжалга кирса иш тамом:
Ким билан битса бу иш ҳар кун бериб юз бор салом,
Қўл қовуштиримоқ билан хизматда бўлгайман ғулом,
Жойланиб олсам ошиқ олчи, ёқар менга ҳаром,
Орттириб дунё, текинга бўлтали бой истарам.

Манфаатдорга саховат кўрсатиб ширин забон,
Фойдаси тегмас оғзийпиларга синмас битта нон,
Шукр қилсин, мен томондан етмаса унга зиён,
Ким керакдир менга, мен кўнглини овлаб ончинон,
Чўлда дуч келса кутиб, ошпазу новвой истарам.

Орау ҳам иетак ушалмай, дилда дөг устига дөг,
Сарф учун чүзса ҳукумат кассадан пул, бесаноқ,
Ишламай ётмоқ иложи бұлса айлаб сайри бөг,
«Волга» остимда, этишда гашт, тоқат мендә төг,
Соя-салқин, бир томон гул, бир томон сой истарам.

Келса колхоздан озиқ-опқат, зиғепр майи билан,
Мен ули тұтсам секин әлтишда жой жойи билан,
Үтказап деб қишини дүстлар бирла уч ойи билан,

Қазибоп, құлла боқылған ёш, семиз той истарам.

Ким үзи, исми нима? Қасдимни құзғовчингни айт,
Үгри деб, маккор деб, тиғсиз бұғызовчингни айт,
Сирларим фош этғали, мажлисда сүэловчингни айт,
Номини Собир атаб, «Мұштум»да тузловчингни айт,
Устаман туқматта хұп! Чаплаш учун лой истарам!

Бетамиз

Хүшбичим, серсаылату, аммо дилозор бетамиз,
Йўқ фаросатдан тариқча, ақли зинхор бетамиз,
Күчада санқиб туни, уйда хотин зор, бетамиз,
Күндүзи ухлар кўпид, пажмурда кўкнор бетамиз,
Йўргалар гар очқаса ишлашга noctor бетамиз.

Кўрса ит ҳуркар салобатдан қотиб, бермас салом,
Ичса юз эллик грамм гар, шунчалар «ширин калом»,
Улфати беш-тўртта ножинс, бедаво... Гап вассалом,
Еши қирқдан ошди, асло пишмади бу калла хом,
Ким насиҳат қиласа ушлаб этгай инкор бетамиз.

Бу каби енгил табиат бўлмаса инсон деган,
Марг ул фаҳму фаросатга, ҳаёт осон деган,
Тоби йўқ меҳнатга, лекин очқаганда нон деган,
Айтилур тўйларга аввал, сўнг борур меҳмон деган!
Айтмаган тўйларда ҳам бир зумда тайёр бетамиз.

Бўлдилар дўстлар хижолат, кўрсатиб унга мадад,
Ҳайдалиб ҳар ойда ишдан, «ҳайфсан!» ҳам беадад,
Сўзласанг ушлар ёқангдан ўшқириб, бу феъли бад.
Телба десанг ўхшамайдир телбага бу бекирад,
Ё қашамшам, ёки сур, ёинки маккор бетамиз.

Қақшагай ақли зәл, номус қылышдан қон ютиб,
Хотини меңнат қылар эрни бөкүшга тер түкиб,
Иккі фарзанди бу ҳолдан үксиниб, күнгли чўкиб,
Тұплапиб қавму қариндоғы солсалар йўлга сўкиб:
Ойлиги теккан кунн боз ииди беор бетамиз.

Оқибат қолди шазардан, халқаро бурди кетиб,
Ноклож кетди хотин ҳам, жони ҳалқумга етиб,
Қочдилар фарзандлари ҳам унга лаънат иргитиб,
Солди дод «золим хотин»дан, кўчаларни чаигитиб,
Айбини бўйнига олмай судда такрор бетамиз.

Тақ этиб бошига тегди яккалик тоши келиб,
Филмайиб атрофга боқди кўзидан ёши келиб,
Бўғлига тошдек тиқилди сабру бардоши келиб,
Сўнгги бор дўстлар йигилди, бор қариндоши келиб,
Тавба қилди тиз чўкиб, ақволи афгор бетамиз.

Ичди онт сассиқ ароқ ўрнига, чин бўлди қасам,
Боқмади, жирканди улфатлар текин май сунса ҳам,
Утган ул беҳуда умридан койиб чекди алам,
Ҳайф эди ёзмоқ уни, мен сўнгра тебратдим қалам,
Гар ёзар бўлтанди Собир топилур, бор бетамиз.



Баъзи «ошна»лар ҳақида

Найласни ошнант сени серақча кармон бўлмаса,
Доимо сен орқали айши фаровон бўлмаса,
Боқмагай мушкул иши сен ила осон бўлмаса,
Тоғ қазишдан не гараз остида гар кон бўлмаса,
Дўстликдан маъни не дардингга дармон бўлмаса.

Баъзилар ёлғиз сенинг ширин сўзининг дўстлар,
Баъзилар кўз ошпю, кулган юзининг дўстлар,
Баъзилар ёғлиқ палов, берган тузининг дўстлар.
Орқадан кессак отиб, кўрса, кўзининг дўстлар.
Ошно бўлмас сенга, то ош билан нон бўлмаса.

Ошнолар баъзиси кўркам, тавсно бўлса ҳам,
Хушбичим, хушфеъл ҳам сўзлашда доно бўлса ҳам,
Яллачи, улфатшунос, доим таралло бўлса ҳам,
Ҳамма вақт ёнингда, гоҳ жонингга оро бўлса ҳам,
Кеч у хил дўстдан, агар қалбида виждан бўлмаса.

Баъзилар виждоп билан дўст, баъзиларнинг дарди пул,
Учраса, сўзлар сенга у айшу ишратдан шуқул,
Қелса гар уйга қиласр юз нағма-ю савти усусл.
Очма дарвозанг шунингдекларга сен, эй пок кўнгил,
Пишмагай офтобда гишт, остида хумдан бўлмаса.

Яхши, содиқ дўст топу кел, сен қадрдан бўл анга,
Кунда меҳмон қил уни, ҳам кунда меҳмон бўл анга,

Ақл ўрган, күнглип ол, тан бўлса у, жон бўл анга,
Тўғри сўз дўстлар учун жон садқа, қурбон бўл анга.
Узма ундан дўстлигингни сўзи ёлгон бўлмаса.

Баъзи бир бемаъни «дўст»лардан умр борица қоч,
Мақтаниш ҳам лоф уришлардан тилидир бир қулоч,
Софдил, камтар, билимдан дўст учун кўксанигни оч,
Яхшилардан сўз ошиб, Собир, газал дуррини соч,
Тонг ёришмас, то қуёш кўкда шамоён бўлмаса.

«Бегараз насиҳат»

Калта ўйламай шеър ёз, ўйлашиб узун ҳал қил,
Якка-дукка гап тузмай, сатрини муфассал қил,
Бўлма камбағал, тилга бойлигинг мукаммал қил,
Маънили, ширинликдан халқни унга маҳтал қил,
Умрузоқ асарлардан сен ўзингга ҳайкал қил.

Шеърни бошлидинг боғдан, сўнг тамомладинг тоғда,
Қилмаса қалам тоқат, туш ёзишга тирноқда,
Мақсадинг аниқ бўлмай шеърни бошлиған чорда,
Кўп ўзимг уринтирма, жонни қўйма қийноқда,
Ким деди ёзиб ташла, ким деди тавакқал қил?

Шош, жадал ёзиб ташлаб, бостиришга топ чора,
Мақтасанг, гапирсанг кўп унда боссалар зора,
Босмаса газета гар, келма бўшу тобора—
Кел баланд, тузатмоққа бўлма қайта «овора»,
«Бўлганим шу мени» деб ҳар қаерда жанжал қил!

Қофиянг экан ўрдак, қил радиф тегирмонни,
Ерда юрса инсонга ўхшатишда ҳайвонни,
Туз радиф учун айрон, меҳрибону айвонни,
Ёки том ёзар бўлсанг унга иста нарвонни,
Бошла сўз тўқайдан, сўнг охири чангаль қил!

Бўлса у бўғинсиз шеър, чаплашиб кетар сўзлар,
Унда-мунда беҳуда сафлашиб кетар сўзлар,
Қайси бир балоларга дафлашиб кетар сўзлар,
Ким қўлига тушдик деб, гаплашиб кетар сўзлар,
Сўзни тер, ўриили ёз, ё ёзишни мужмал қил!

Мақсадинг ёзиш бўлса, қўп шошилма, қил текис,
Орқадан қувиб ўрган, сўнг маромига еткиз,
Дўст сўзин қабул этгии, қўй, ўжарлигинги кеткиз,
Бошлаганда бир шеърни яхши ёзгину биткиз,
Тарра экма, турсе кетди, кўкчаларни найкал қил!

Жумлалар суюқ чиқса, ноўрин «қуюқ» қилмай,
Маза-матрасиз сўзи жуфт қилиб, «туюқ» қилмай,
Шеър совуқ мижоз чиқса, отини буюқ қилмай,
Қалтираб, чиқиб жаҳлишг, кўзларингни лўқ қилмай,
Устига ёпиб кўрпа, шеър отини сандал қил.

Мен буни ғараз бирлан сўзласам, ҳаром бўлсан,
Яхши шеърни ким ёзса, унга эҳтиром бўлсин,
Бўлса шонри пишиқ, шеъри нега хом бўлсин?
Яхшилаб пишир шеърни, сўалари қиём бўлсин,
Пишса шеър ҳазм бўлгай, қайнатишда ҳал-ҳал қил.

Солмасанг қулоқ сўзага, бор, юзинг ўгур, майли,
Хом асарни қўлтиқлаб ҳар томон югур, майли,
Ўз-ўзингни хўп мақтаб, кўкрагингга ур, майли,
Юз буриб бу Собирдан бошқаларни кўр, майли,
Иситмангни авж олдир, эилзиланг беш-ён бал қил!

Бир гап бўлар-кетар деб...

«Улар кинода топишган эдилар, кинода ажралишдилар...»

(Бир онанинг ҳасратидан)

Куёв:

Олдим хотинни «арзон», бир гап бўлар-кетар деб,
«Шафтоли шохи ларzon», бир гап бўлар-кетар деб.
Сунбул сочи паришон, бир гап бўлар-кетар деб,
Сернову ишва, гапдои, бир гап бўлар-кетар деб,
Ажрашмоқ бўлди осон, бир гап бўлар-кетар деб.

Келин:

Қилди тилинни бийрон кўрганда, ўргилишда,
Бўлдим мен унга жонон кинода бир кўришда,
Бердим кўнгул синовсиз бир лаҳза ўлтиришда,
Гаштини сурмай, ойлар қўл ушлашиб юришда,
Мушкулни айлаб осон, бир гап бўлар-кетар деб.

Куёв:

Солди ўзини кетмай ойннадан узоққа,
То эртадан тузанди чиқмоққа кечки боққа,
Бўш қолса ўсма қошга, чаплаб қизил ёноққа,
Үт кўрмади қозон ҳеч, сув тегмади товоққа,
Сувсиз тешилди қумгон, бир гап бўлар-кетар деб.

Келин:

Бир кун ўтиб никоҳдан, бошланди сўнгра жанжал,
Муздек совиб кўнгул ҳам турмуш кўринди мужмал,

Дөнм солиқ қовғы, кирса уйнга ҳар гал,
Шөвқин-суронын бошлар, бир сүз сүрашга маҳтал,
Күп йирилур гирибон, бир гап бўлар-кетар деб.

Куёв:

Ошни қўйинг у ёққа, шўрваси ҳам олиб таг,
Қилдим насиҳат унга, айтди у менга эртак,
Одобидан нишон йўқ, шаллақи, тўніу шашшак,
Ишлар алмашди уйда: меш хотину у эркак,
Бефойладир пушаймон, бир гап бўлар-кетар деб.

Келин:

Гап ташлади ёнимда, мен унга қошиш қоқдим,
Сўнг айладим карашма, жисмига ўтиш ёқдим,
Еқди қараашда менга, жилмаймоқ ила боқдим,
Енгил табиат экан, бир кўрганида ёқдим,
Е мепми, ё у исодон, бир гап бўлар-кетар деб.

Куёв:

Бормай ўчоқ ёнига, уйда қуриб дўкониш,
«Нозик табиат» эрмиш... Искаб егай у ионни,
Найлайки, яхши кўрдим бу бедаво жувонни,
Гап қайтарар эканман, тор айлагай жаҳонни,
Битди танамда дармоқ, бир гап бўлар-кетар деб.

Келин:

Кўп эрга тегдим, аммо бу хилда бўлмас эрлар,
«Бир бола туққанида ҳайдар хотинни!» дерлар,
Үйлаб эдим бу номард ҳеч хўрламас, қадрлар,
Кўпдир мени олишга муштоғу мунтазирлар,
Бўлди хаёл паришон, бир гап бўлар-кетар деб.

Күөв:

Аввал таниш, сурнштир, бил, сүнгра бор яқыпроқ,
Ойлар синовдан ўтгач, бўл бир-бирингга муштоқ,
Ҳуснинг боқмасингдан ахлоқига тузук боқ,
Бўлсин вафоли ёринг!.. Ўтди бошимдан, ўртоқ!
Мен, хом сут әмган иисон, бир гап бўлар-кетар деб!

Келин:

Бир гап бўлар-кетар деб, ҳозир дамим ичимда,
Зоҳирда вақти чоғман, аммо ғамим ичимда,
Бемаслаҳат ишимдан бор мотамим ичимда,
Қўп таъналар эшиздим, бу мулзамим ичимда,
Бўлманг бу ишга ҳайрон, бир гап бўлар-кетар деб.

Иккиси:

Бир гап бўлар-кетар деб, ҳасрат билониҳоя,
Бир умр учун етар деб, айтилса шу кифоя,
Ким чиқса тўғри йўлдан, қилмайди эл риоя,
Э, дўстлар, адашдик! Ким айлагай ҳимоя?
Сор бўлса бу тану жон, бир гап бўлар-кетар деб.

Бир қаллобнинг саргузашти

Қаранг! Елғончига ёлғон топилди,
Қишилар ҳақида бўхтон топилди,
Қилиб дўқ ошни урди, ион топилди,
Қўнишга шийпону айвон топилди.
Текин «ўтлаш» учун майдон топилди.

Унга касб: ҳар қаерга ёзди ёлғон,
Дили соғ исчалар ҳақида бўхтон,
Тилинг ҳар қаерда қилди бийрон,
Нечанинг номини булғаб бу иодон,
Суришга неча ой даврон топилди.

Мися чиқди иўп ўтмай бу районда,
Бу ердан ҳам бўлиб бўхтончи ронда,
Бекор санқиб юриб у ҳар қаёnda,
Қилолмай бир тузукроқ ишни монда,
Яна «дардин» учун «дармон» топилди.

Узоқроқ бир районга борди, ётди,
Неча кеч ўтди-ю, неча тонг отди,
Ўринлашди, бирорлар номин сотди,
Солиб разм ҳар томонларни кузатди,
Яна бўхтон учум имкон топилди.

Яна «обрұз» учун виждөн сотилди,
Яна туҳмат тоши күпга отилди,
Бузиб тинчликни, дүк урди, қотилди,
Еннига тортди, яхши ўргатилди,
У ердан икки-уч подон топилди.

Топиб «еғлиқ» кишини товлаш истаб,
Кириб омборга гоҳ ов овлаш истаб,
Бирорни құрқитиб, «иш ковлаш» истаб,
Зиёфат ундириб ҳов-ховлаш истаб,
Ювошу соддадил мезбон топилди.

Кимни «чұзмаса», ундан койишга,
Қилиб туҳмат унга, иғво ёйишга,
Бирорни пеш қилиб, түшлаш, бойишга.
Дахлсиз ҳовлиқиши, талтайишга.
Яшашга бемалол құрғон топилди.

Үтиб бир неча ой шундай йұсинада,
Тунағ бир кеч у ер, бир кеча бунда,
Дейилса «бемалол» қар кеча шунда,
Не даркор бұлса, айтиб лұнда-лұнда,
Гоҳи ошкор, гоҳи пинқон топилди.

Очилди сирлари, фош этди «Муштум»,
Деди: «Собир ёзибди, құлға тушдым!»
Тугун құлтиқлаган ақволда бу шум,
Тутылди, кимлиги сұңг бұлди маълум,
Тугунчакдан магар виждөн топилди,
Аферист, бир мудаббир жон топилди,
Вужуди — бир бузуқ құрғон топилди,
Кишиликдан сифат, на сен топилди.

Намасан

Битталари ҳам омборчи, ҳам кассир,
Битталари ашулачи бетаъсир,
Бир-бираидан махфий эмас барча сир:
— Сув қўшилгаи айронмисан, намасан?
— Тўйга келган меҳмонмисан, намасан?

Раис эмиш ашулаға ишқибоз,
Шунинг учун уста Ҳайдар серпардоз,
Ароқ исча бўлар эмиш хушовоз:
— Хушхонмисан, хумдоимисал, намасан?
— Ялқовмисан, полвонмисан, намасан?

Уста Ҳайдар меҳнати оз дафтарда,
Меҳнат қилмай олгани хавф-хатарда,
Партташилот сезиб қолса агарда:
— Туҳматмисан, бўғтонмисан, намасан?
— Отқулоқми, раёнмисан, намасан?

Омборчи дер:— Фалончи бор баҳтимга,
Табель ёздим шаҳар кетган вақтимга,

▼ Ил түйн бошлагайман нақдымга:

- Юэми ёки түкsonмисан, намасан?
— Жамиятга иуқsonмисан, намасан?

Уста Ҳайдар сероб ҳар күн, оз эмас,

Құй пойма-пой, өзгін соз эмас,
Кенг далада күрінmasa, ноз эмас:

- Соғломмисан, нимжонмисан, намасан?
— Шотимисан, нарвонмисан, намасан?

Уста Ҳайдар онозида шира йүқ,

Санъаткору маданият сира йүқ,

Шеърда туз кам, күйда піләз, зира йүқ:

- Аччиқмисан, нордонмисан, намасан?
— Құм қүшілғаш талқонмисан, намасан?

Иккилари хиргөшида җамиафас,

Холи жойда гурунглашар басма-бас,

Гоҳ «аския» бошлаганда бегараз:

- Омборчими, сичқонмисан, намасан?
— Бүзән тешик құмғонмисан, намасан?

Колхоздаги хотин-қызлар өспиқда,

Хотинлари шақар уйда, ёпиқда,

Ұzlары ҳам салқын ерда, ҳордиқда:

- Дардмисан ё чипқонмисан, намасан?
— Мешимисан, шабронмисан, намасан?

Салқын дараҳт ёнбошида чүнқайғаш,

Отилмаган сопқонмисан, намасан?

Ишламай еб, құлмасанғ истихола:

Ҳар иккингнинг виждонингга ҳавола!

Пул ўлсина — пул ўлсин

(Чархий ғазалига мухаммас)

Пулдан чиқар гавголар,
 Пул ўлсина — пул ўлсин!
 Пасту баланд даъволар,
 Пул ўлсина — пул ўлсин!
 Яхши-ёмон маънолар,
 Пул ўлсина — пул ўлсин!
 Пул деб оқар дарёлар,
 Пул ўлсина — пул ўлсин!
 Ағдар-тўнтар дунёлар,
 Пул ўлсина — пул ўлсин!

Бирор бор пул билан шод,
 Бирори мотамсаро,
 Бирор бунга мубтало,
 Бирор унга мубтало,
 Пул кўп бўлса бир бало,
 Пул оз бўлса бир бало,
 Қўлга келтирган дунё,
 Усти асалдир, аммо
 Таъми зуқум ҳалволар!
 Пул ўлсина — пул ўлсин!

Пулсизмисан, эй дўстим?
 «Дўстлар» келмас қошинингга?

Узок бўлиб туюлдийг
Яқин қариндошингга!
Агар пулинг кўп бўлса:
Хеч ким тегмай ғашингга,
Назар солмай ёшингга,
Чиқиб олиб бошингга,
Солар ие-иे савдолар!..
Пул ўлсина — пул ўлсин!

Пулсизга: — чиқинг-чиқинг,
Пулликка: — киринг-киринг,
Пулсиз дўстни қидирманг,
Пуллик дўстни қидиринг,
Пулсизга ғиринг-пиринг,
Пулликка ҳиринг-ҳиринг,
«Дунё ҳаром!» деганинг
Дардидир муллажиринг,
Кумуш қубба асолар!
Пул ўлсина — пул ўлсин!

Текин пул кўп қай ерда:
Кўнгил бошлар шу ёққа,
Фунажинлар кўз сузмас
Пулсиз наvvос бузоққа,
Ҳамён агар қоқ бўлса
Кирмайди сўз қулоққа,
Кетолмасдан узоққа,
Пул деб тушар тузоққа
Енгил-елпи «Лайлорлар!»
Пул ўлсина — пул ўлсин!

Баъзи пуллар бўлгайки,
Оро кирап кўп жовга,
Баъзи пуллар бўлгайки,
Жонни олар нишонга.

Ачинасан афсус еб,
Баъзи қизу жувонга,
Учиб ёлғон виждонга,
Тушар аблаҳ инсонга.
Нозик адо, шаҳлолар!
Пул ўлсина — пул ўлсин!

Юз борма-ю, бир бор-бор,
Ўзинг қилма овора,
Иш битмайди, юз ёлбор,
Юрагинг қил юз пора,
Иш битару ёғар қор,
Қўлингда бўлса пора,
Сен эмас, пулинг даркор,
Эй, соддадил бечора,
«Дардинг» топар даволар,
Пул ўлсина — пул ўлсин!

Рақс арзоп, ялла сероб:
Қистиргуви кўп бўлса,
«Репертуар» шунга бош:
Қистиргуви кўп бўлса,
Серпул тўйни истаб топ:
Қистиргуви кўп бўлса,
Буни ташлаб, унга чоп:
Қистиргуви кўп бўлса,
Эй, «стар»чи шайдолар!
Пул ўлсина — пул ўлсин!

Қам қуяди сувни ҳам,
Ҳатто «газ вода» фуруш,
Хўмрайиб «такси»чи акам,
Бермасанг жаңжал, уруш,
«Нол кўлмаса» ема ғам,
Пул унга хамиртуш.

Үтиролмай хотиржам,
Пул дардида югуриш,
Күп хуржунсиз «гадолар»!
Пул ўлсина — пул ўлсина!

Меҳнатсиз тўпланган пул
Хавфу хатар қўзғайди.
Собирнинг истаги шул:
Ҳалолидан бўлсайди,
Нашриёт тониб маъқул,
Гонорарлар кулсайди,
Пулсиз ҳаёт бўлмайди.
Аммо хуржун тўлмайди,
Чархий ёзар иншолар:
Пул ўлсина — пул ўлсина!

Пашшалар

(Баъзи ошхоналарга)

Үрмә лоғ өзодаликдан, бор экан то пашшалар,
 Бўлма нозик таъб, қилмай тарки дунё пашшалар.
 Индама, қош устига қўнса мабодо пашшалар,
 Йўқ қилишдан чиқса сўз, бошлийди ғавғо пашшалар,
 Қўй, халал еткизмагин, қилсинг таралло пашшалар!

Баъзи бир ошхопаларнинг ёзили қилсанг мисол,
 Пешчиторг ори келиб, тутгай ёқангдан эҳтимол,
 Үнг қўлинг тутса қошиқни, чап қўлинг ушлаб рўмол,
 Битта еллиб, битта ош ичмоқ, сенга келса малол:
 Пашшалашиба, қўй, сенга десин тасанно пашшалар!

Ҳамма дардга бор даво-ю, толмадик бунга даво,
 Орсиз, шилқим, қашамшам, суқу нафси аждаҳо,
 Келтирур ғашни, юзингга ўлтириб уйқу аро,
 Зор этар ёзмоққа дастурхонни ёзда доимо,
 Еприлиб ургай ўзини унга, сулло нашшалар!

«Хол» қўяр қолса очиқ, патнисда ширмой устига,
 Энди бир ҳўплай дессанг, ташлар ўзини яой устига,
 Чиқса гар ошдан: чиқар воялар нечавой устига,
 Маслаҳат шу! Ёзу куз ўтгунча ҳар ой устига
 Қил ғилоф, қишига бориб, битгуича, расво пашшалар!

Құлдаги резина калтаклар билан шохдоримиз,
Шашшапаниң мингдан бириға еткізар озоримиз,
Топмадик шундан бұлак тадбир! Фақат шу боримиз,
Билмадик, кимга тааллуқдир әкан изһоримиз?
Бирни ўлдирсанг, бұлур бир миңги пайдо пашшалар!

Келса ёа, безиллагайсиз, елпиниб, «киш-киш!»лашиб,
Хайдаса қылмайды парво, жуфтлашиб, иргишилашиб,
Тегди жонга қувлашиб, гоҳо оғеңинг тишлилашиб,
Бир таом келди дегүнча иштақони пешлашиб,
Бұлса қаерда қиәм, қанду нишолло пашшалар!

Бағы бұстон Ұзбекистон шираи шарбаттаға кон,
Құчалар озода, гуллар барқ уриб, сувлар равон,
Хам ҳаво—иқлім мусаффо, сердараҳт, кенг осмон,
Рұзғор созы ва лекін бизда шу нұқсон ёмон,
Үқишиб «гигина»ни, ёдлайды мулло пашшалар!

Келди нақт, бир чора топсанг яхши, эй тиб олами,
Қудраттің күрсат бу ҳақда, келгұча ёзниң дами,
Мунтазир сенға аё фан, ҳамма, топ бир малжами,
Қимә ҳикматларидан йұқ бўлиб жамулжами,—
Қолмасин, битсин, қирилсин, қолмай асло пашшалар!



Келди-кетди

Йироқ ғарблар жаноблар «бекарғаз меҳмон» бўлиб келди,
Ичига тугди кўп, ёрилмаган чипқон бўлиб кетди.
Совет халқига гўё хайриҳоҳ инсон бўлиб келди,
Улур ишларни кўрди, ёнди, бағри қон бўлиб кетди.
Отиб дўстлик шиорин, эпчилу чаққон бўлиб келди,
Дами чиқмай кезиб, отилмаган сопқон бўлиб кетди.

Боқиб ойнмчаси, ўтказди ҳар ерни сузук кўздан,
Кўринди суқ, ҳасад, рашқ белгиси туппа-тузук кўздан.
Ёмон ният билан ҳар жойга ўқталган «узук кўз»дан,
Олиб суратга, найранг ишлатиб ул қўрқувлик «кўз»дан,
Сузиб кўз сеҳргар, гўёки бир жонон бўлиб келди,
Фасод тўплаб дили, халқ бахтидан «нуқсон» бўлиб кетди.

Тузук мақсад билан кел, эй, келишга орзуманда,
Билармиз, ким ўзинг? Ҳам сен киму қайларга арзанда,
Туёқ шиқиллатиб қол, йўл берилмас сенга, шарманда,
Эси оғди нечангни, баркамол халқларни кўрганда,
Қора мақсадда келди ҳийлагар, майдон бўлиб келди,
Қўролмай давримизни, туҳмату бўҳтон бўлиб кетди.

Фаразсиз дўст келиб, сайдар айлару, мафтун бўлиб қайтар,
Бўлиб меҳмон улар, қарсак чалиб, мамнун бўлиб қайтар,
Агар душман экан: лаънатланиб, малъүн бўлиб қайтар,

Келиб одамсифат, қайтишда у маймун бўлиб қайтар,
Шулардан нечаси кийди ниқоб, «шайтон» бўлиб кел,
Кезиб ободимизда неча кун, вайрон бўлиб кетди.

Жаҳон аҳли севар тинчликни, аммо бир ҳовуч сизлар,
Урушга, ўт қўйишга, қон тўкишга мунча ўчсизлар?!
Агар қил қаяча дўқ, ҳар қанча қилсанг ҳам хуруж сизлар,
Енгар тинчлик жаҳонда, енгиларсиз, мағзи пучсизлар,
Санаб хом чуҷвара, бу сиз учун осон бўлиб келди,
Ёмон виятларингиз ер билан яксон бўлиб кетди.

Шұ томонлари ёмон

Халқпарвар бұлса раҳбар әътибори яхшироқ,
Халқдан ажраб, бир ўзи қолғанда раҳбарлық ёмон.
Менсимай халқни, яқын келмай, агар түрса йироқ:
Құпчиликка нозу истиғно, фирибгарлик ёмон.
Бир куни сир очилур гар бұлса усти ялтироқ,
Құнгли қинғир, фикри пуч, кир пахта-астарлик ёмон.
Соясидан құрқадир баъзи акамлар, деб «мен оқ»,
Үзини оқ деб, бұлакқа қора суртарлик ёмон.

Бир «амал» тегса бирөвларга агар, от ҳүркитар.
Қор ёғиб доым қовоғидан, дамига ош пишар.
Топса мақтамоққа фурсат, сүзни арқондек эшар,
Тингламас йұл устида гар кимса қылса арз агар,
Құрса үзидан «улуғ»роқни, үшанданды бош эгар,
Бошқа вақт күрса сени, юз әътиroz бирлан қарап,
Ҳеч кишининг әхтиёжи түшмасин, юз алқазар,
Иш билан келсанг, эшик олдида мұэтарлик ёмон.

Баъзилар гапта чечанлик бирла ишни битказар,
Кім нұноғу соддадир, гап ўтқазолмай ер чизар.
Сүзга моҳир бұлмаганлик гоҳ бағрингни әзар,
Сен әмас, ошна-օғайниларга күп наф еткисар.
Нотанишшинг ҳолини бу ерда ким англар, сезар,
Кім лаганбардор: күшомадда «ұлқинни тирғизар».

Турса павбатсыз улар, бизни күм балын киргизар,
Без бўлиб турса йўлинг устида, қайсарлик ёмон.

Иўл очиқ эски қадрдонларга, сергўшт ош билан,
Кўчада иш битказишар имлашда кўзу қош билан,
Тўғри йўл бунда қолиб, йўл тутсалар ёйбош билан,
Қайси сабру қайси тоқат, қайси бир бардош билан,
Сердимоғ «раҳбар»га келдинг дуч эгилган бош билан?
Энг кичик ўғлинига тенг, ўлчанса ёши ёш билан,
Дўстлар, чиқманг сафарга, пулга ўч йўлдоп билан,
Ўз нафидан бўлакни тингламас, карлик ёмон.

Бир сельпо ҳақида зарбұлмасал

Çүзилиб сельпо мажлиси,
Балки тонг отиб кетди,
Сузилиб күзлар уйқудан,
Ерга ён ботиб кетди.

Нутқ сўзлаб Вағзамов узоқ,
Ғашни қўзғатиб кетди,
Ҳиллоевни мақтаб ортиқча,
Сувни лойлатиб кетди.

Раислик юклантан бўлди
Кумушжон Тиллаевга,
Берилди, ўтказилди
Завторглик Ҳиллоевга.

Тинчи迪 Ҳиллоев кўнгли,
Босилди бир оз ўпка,
Қўзини қисиб Бўрибоев,
Қошини ўйнатиб кетди.

Духоба, жун рўмолларни
Қаламушона пулланди,
Ҳиллоев чўнтаги томон
Ақчаларни йўлланди.

Жиной ишлар қилинг
«Ихтиро»лар қўлланди,
Пулланди, ўғирланди,
Омборни қақшатиб кетди.

Раиснинг хомлигини сезиб,
Дейди: Муддао бўлди.
Сельпони болламоқ учун
Ҳамма иш бажо бўлди.

Шогирди Юрмонқозиқов
Дардига даво бўлди,
Пулдан адашмасин деб,
Йўл-йўриқ кўрсатиб кетди.

Тўғрилар ишдан ҳайдалиб,
Ўғриларни жойланди,
Бу ишга аралашганнинг
Томоқлари мойланди.

Текшириш чўзилиб ойлаб,
Натижалар пойланди,
«Чиқмади», деб ҳеч бир нарса,
Бошлари қотиб кетди.

Очилгач сир вақти келиб:
Натижа чиқди чатоқ!
Раисга бериб ҳайфсан,
Ҳиллоев яна оппоқ!

Билмадик! Айтинг сиз бизга,
«Текширган» ўша ўртоқ

Ишни босди-босди қилиб,
Балки ўнглатиб кетди.

Қочирди, сўнг келарсан деб,
Кимки растрат қилса,
Ўэзига уни қилиб шерик,
Үғирликни ким билса,

Дўконинга тортди, ишониб,
Эгри йўлга интилса,
Тортиб уни Ҳиллоев ёнга,
Ишни «гуллатиб» кетди.

Юборди қўшии районга,
Қанча мол, хилоф йўлдан,
Қилишда жиной ишлар,
Бемалол хилоф йўлдан.

Сотилиб юқори нархларда,
Эҳтимол, хилоф йўлдан,
Чайқовни авж олдириб,
Молни пуллатиб кетди.

Писмиқоп қочиб кетди-ю,
Ҳовлиқови илинди,
Уи миңг сўмча камлиги
Текширишда билинди.

Ҳиллоев ташвишланиб,
Юрак-багри тилинди,
Қўлга тушишдан қўрқиб,
Бўрибоев яширинди.

Мақтаган Вағзамовни
Анча ўйлатиб кетди.

Халқ контролидан келиб,
Бу ишга аралашди,
Мақталған кишиларни
Ушлашди, қоралашди.

Сельпоми күздан кетириб,
Одамларни саралашди,
Жиноятчилар жаюбттар бұлиб,
Панжарадан мұралашди,
Хақиқат юзага чиқди,
Судда сұзлатиб кетди.

Құруқ гап құлоққа ёқмас

(Чорва фермасида кенгаш)

Чорвалар түпленди катта оғилга,
Моллар ёнбошма-ёнбош, елкама-елка,
Сигир, ҳұқиқаларнинг қовоғи тушган,
Биқини ичига кириб, жисми увшаган!
Чорва мудири кириб, үқиди рүйхат.
— Сигир қанча азад, ҳұқиқ қанча азад,
Соғын сигир қанча, текинхүр қанча?!
Бир-бирга суюниб, қотиб турғанча,
Күрдилар мудири кеккайған, хасис,
Тишини ковлағ турғиб деди:— Ем-хашак танқис,
Ҳозир қиши мавсуми!. Түплаш қийин!. Кам!

Баҳор яқин, ердан унар майса ҳам,
Сероб бұлса колхоз сиздан аялас,
Сиз семирмасантыз колхоз яйрамас,
Қаноат қилинглар ҳозир борнға,
Бўйсунинг правлениени қарорига,
Аста чайнанг, моллар, секироқ ютиңг,
«Мо»ламай, келтириб беришнимиз кутинг,
Қавш қайтарманг күл, бўлмасин ҳазм.
Тартиб ўрнатилсин, оғил турсин жим!..

Моллар жим, мудир сўзлаб, келтирди мисол;
— Ваҳший чорвалар бор, мисолга яққол:

Құтос ҳам сиз каби бир чорва ҳайвон,
Үнга на ем керак, на оғыл, айвон,
Сизга оғыл керак, ем-хашак керак,
Қанчанғиз белогриқ, оғыл бұлса зах,
Ем-хашак кам бұлса, маърайсиз чумон,
Қандай ҳайвонлик бу, қандай шириң жон?!
Буюқ урмас сизни, терингиз қалин,
Инсоф қилинг, моллар, бизга ҳам қийин!
Бошпана бер дейсиз, ем дейсиз яна,
Сиздан аярмидик бұлса бошпана.
Бу йилча үтказинг қишини яланғда,
Әз келса яйрайсиз офтобда, чангда,
Менинг бу сұзларим дүстона үгит,
Хозирча озроқ еб, күпроқ беринг сут.
Сиз бегам бұлсанғиз, ухласанғиз күп,
Шунда семирарсиз, бир оз жир битиб!
Кекса тарғил буқа хұмрайди, боқди,
Шохларин силкитиб, ҳалқасин қоқди,
Құзғалди үрнидан: «уммі!..» деб керишди,
Үртага чиқди-ю, сұзга киришди:

— Иссиқ меҳмонхона, ҳар кеча тұқма!..
Жөн мудир, инсоф қиң, сен бизни сұқма!
Ош еб чиқдинг үзинг, гүштлик, қазилик,
Қайтар яхшиликка сен ҳам яхшилик!
Ваъда едик емнинг үрнига доим,
Кошки, айттар сұзинг бұлса мулойим,
Яланғда қолдириб, яна пұпсанг,
Бошпана үрнига насиҳат, қиссанғ!..

Кунжара үрнига едик насиҳат,
Қолиб қиши-аёзда, йұқолди сиҳат,
Шунча чорва учун бир эски оғыл,
Чорва мудирликни әплай олсанг қил.

Чорва түймас бўлса, эл гўштга тўймас,
Бу билан ишинг йўқ, ўзимг тўйсанг бас!
Чорванинг ғамин е, ол хабар доим,
Дўқ уриш ўрнига, бергин хашак, ем.
Шунда биз мудир деб, таниймиз сени,
Қуруқ гап қулоққа ёқмас, оғайни!..
Қаноатга биэлар ўргандик, аммо?..
Бу йил қишидан чиқиши мушкул муаммо!..

Mol., Mol., Mol..

Мансабпарат

«Кичик»ликда нечани ёр қилдим,
Эгиб бош, арзы ҳол изаҳор қилдим.
«Улуг»роқ ишга жойлашдим кейинча,
«Кичик»ларни күришга ор қилдим.
«Кичик»ликда эди күз ҳам күнгүл кеяг,
Кейин күз ҳам күнгүлни тор қилдим.
Яқин дүстим келиб, гар қылса танқид:
«Йүқол, кет, менга сен ағәр!» қилдим.
«Кичик»лар кирса ёнимга, сұрашмай,
Сұрашмоққа уларни зор қилдим.
Қадрдан әрди бир неча «кичик»лар,
Унудим, аҳдимиз бекор қилдим.
«Улуг» бұлса үзімдан ким: дедим хүп,
«Кичик»лар қожатин душвор қилдим.
Қүпол бұлды сүзім ҳар нотанишга,
Танишларга шириң гуфтор қилдим.
«Кичик»лар илтимосига сүзім: «Йүқ!»
«Улуг»нинг хоҳишини бор қилдим.
Сезишли мақсадым соғлом «улуг»лар,
Құпоплик залға бемиңдор қилдим.
Емон феълу ёмон ният йиқитди,
Үзәмни «татхат»га тайёр қилдим.
Иложим бұлмади, кетдим, қувилдим,
Чидолмай, үз-үзим бемор қилдим.

Югурдым күп, «киңик»роқ иш беришди,
Лаганбардорлигим тақрор қилдим.
Үгирди юз таниш ҳам, нотаниш ҳам,
Қолиб әлғиз, дилим афгор қилдим.
Элу юрт олдида, дүстлар тилида,
Отим «беномусу беор!..» қилдим.
Бұлыб номим «ёмон», қолдым назардан,
Кишига яхшилик ноңор қилдим.
«Кичик»ми ё «улуг»— халқ хизмати «тенг!»
Деса дүстлар менга, инкор қилдим!
Келиб, мендан олинг ибрат, эл ичра —
Азиз әрдим, ўзимни хор қилдим!
Бу қақда ёзмасин деб, җажв, Собир:
Халойиқ олдида икror қилдим.
Тушундим, тавба қилдим, ағв этинглар,
Фурурдан ўзни дил озор қилдим!..

Бекароржон Кирдикоровнинг ўз қўли билан ёзилган таржимаи ҳол

«Успиринлик чоғим, ўзим серсавлат,
 Ногиҳондан боқди менга бахт, давлат.
 Илмим озу оғайнилар кўп эди,
 Иш буюрсам, лаббай эди, хўп эди.

Гапдон эдим, ёш бўлсан ҳам тадбиркор,
 «Одам учун қадрдону дўст даркор!»—
 Деб уларни ишга солдим, йўлладим,
 Мажлисларда қўлтиқладим, қўлладим,
 «Дўстларим» ҳам мени мақтаб сўзлашди,
 Мен орқали «сон» чиқишин кўзлашди.

Бора-бора бошқармага бош бўлдим,
 Бош бўлдиму, анча бағри тош бўлдим,
 Ҳовлиқиши ҳам пайдо бўлди, ҳам шошдим,
 Нафсимни деб, анча ҳаддимдан ошдим.

Ёнбошимга кирди лаганбардорлар,
 Улфатларим фирибгарлар, ғаддорлар,
 Бошим ҳар кеч зиёфатдан чиқмади,
 Кундузларим хиёнатдан чиқмади.

Нотанишлар назаримдаи узоқдек,
Танишларим нўлда тургай тузоқдек,
Атрофимда гир айланиб парвона,
Қайга борсам, соям каби равона.

Шундай қилиб, бир-икки йил давр сурдим,
Манфаатдор жойга шошдим, югурдим,
Ҳар доимо ўзроҳатим кўзладим,
Мажлисларда стол муштлаб сўзладим.

Бошқарманинг ёш кассири ёнбошда,
Қўрсаидим, боратуриб извошда,
Бирор салом берса, мэғрур қош қоқиб,
Нотанишни жеркиб, хўмрайиб боқиб.

Кўнчиликка ёқмай қолдим мутлақо,
Қўлдан кетди масъул ўрин бевафо!..

Ҳамма мендан кулаётган кўринар,
Тоғдек танам қулаётган кўринар,
Урганмаган эдим... Юрдим пиёда,
«Пиёдалар кўп-ку, мендек, дунёда!..»

Деб ўзимга-ўзим қилиб насиҳат,
Бир йил юрдим, тоҳ хурсанду тоҳ диққат!..»

* * *

«Оғайнилар ёғлиқ ишга жойлашиди,
Шундан кейин мэрҳаматим пойлашиди,

Уларни мен аста-секин құлладим,
Складу базаларга йүлладим.

Извош әмас, эпди «Волга» остимда,
Умид қилдим, узоқ турсам «пост»имда..
Газет яна қилди мени фельетон,
Ох деганда чиқди оғзымдан тути.

Порахұр деб, ончинон ҳам боплашди,
Юзларимга қора балчиқ чаплашди,
Мажлисларда боз қоқылди пүстагим,
Бүшгә чиқди барча орау-истагим.

Машинасиз, яна қолдим пиёда,
Күча-күйда аввалгидан зиёда,
Оғайнilar қия боқмай ўтишди,
Бегомалар тутған йұлни тутишди!..

Аlam қилар экан!.. Тунлар ўйлайман,
Бирға айттан құшиқларни куйлайман,
Уни қаранг, улар оқу, мен қора,
Яхшилигим билмасалар не чора!..

Газет деса, жоним келар ҳалқумга,
Үйлай беріб, каллам ўхшайди хұмга!..
Шу зайлда иш истадим ёңлиқроқ,
Нон чиқса бас, хоҳ яқину, хоҳ йироқ!..»

* * *

«Бир клубга мудир бўлдим ноилож,
Мажбур қилди оиласви эҳтиёж,

Хотинимга маъқул бўлди бу ишим,
Хархашадан жаги тинди, бўлди жим.

«Клуб—билим, маданият ўчоги,
Китобхона—билимдонлик равоги...»
Кўп мақтади хотиним бу хизматни,
Кўп уқтириди ҳалққа ҳалол меҳнатни.

Меҳнатдан сўнг роҳатланиш, дам олиш.
Китоб ўқиб, уйда ҳордиқ чиқариш,
Клуб-милуб, шахмат-пахмат, музика,
Шеърхонлигу лекциялар!..» хўш, нега?

«Хотинимга ёқар экан?.. Майли, хўп.
Ишни қабул қилдим, аммо ёқмади,
Омад келиб, эшигимни қоқмади,
Ойлик ҳам оз, хушомадгўй ҳеч ким йўқ.

Газет, журнал варақлашга йўқ тоқат,
Бу соҳага балким мен белаёқат?..

Айттолмайман бир шоирнинг номин ёд,
Музикадан, шеъриятдан бесавод,
Қўлим тегмас эди китоб ўқишга,
Ушлаб қалам, бир жумла сўз тўқишга.

Ашулага қизиқмасдан ўсганман,
Музикага ким қизиқса, тўсганимам!
Шу сабабдан ярамадим клубга,
Мудирлигим чўзилмаӣ унча кўлга,

Бұшылб кетдім, бемашнина йұл кездім,
Құпна-қуруқ одамлигимни сездім!..»

* * *

«Дейишилар! — Қишлоқ чиқынғ, хизмат күн...
Бир районга йұл олдим, құрқиб-құрқиб,
От ұркійди, күрса савлатим, номим,
Чамадонда бор ясама дипломим.

Үнда ёзиқлиқдир «олий маълумот»,
Үнга мен ётману у ҳам менга ёт!
Бир портфель ұжжатлар менга дастмоя,
Ерлиқроқ иш топиш — энг юксак ғоя.

Қишлоқ хұжалиғи менга бегона:
Не үзи пахта-ю, не үзи шона?..
Әшитғандирману күрган әмасман,
Қишлоқнинг гаштини сурған әмасман,
Аммо әшитғанман, колхоз әмиш бой,
Бойлик орттиришга қишлоқлар қулай...

Колхозға жойландым, лекин ёқмади,
Ишим үңг келмади, баҳтим боқмади,
Гап сотдім ұар ерда, гапим ұтмади,
Ош дамлаб текинта, ұен ким кутмади.

Иш талаб қилишиби, сүз талаб қилмай,
Бир ёз тентирадым, қилмишим билмай,

Далада шашлаши күпмай ширин җон,
Сұрадым, шаҳардан сабзавот дүкон...

Хозир шу дүконда бўлиб ширин сўз,
Сотишим ошқовоқ, тузланган тарвуз...
Колхознинг раиси тузлаб мени ҳам,
Ярамга туз сепди бўлмасдан малҳам!..

Бир бочка вино-ю кўк памилдори,
Сўлишган сабзилар дўконда бори,
Бужмалак олма ҳам бор икки қопда,
Чириган пиёз ҳам турар офтобда.

Аъло сабзавотдан кенг бозор обод,
Бошқалар чапсану фақат мен касод!..»

«Үқиган кишига келгай леб малол,
Ездим ҳисқагина «таржиман ҳол»,
«Анкета»мнинг ҳоли бундан ҳам хароб,
Уни тўлдиргунча чекдим изтироб.

Титради қўлларим чеккунча имзо,
Хотин ўқиб чиқиб, бўлди норизо,
Номус қилди гўё ўз хотингинам,
Ишонмай, «виждонли одамман!» десам,
«Жигилдон!..» деди-ю, оҳ тортди йиглаб,
Уйдан чиқиб кетди, бағримни тиглаб!..

Бориб айтинг, дүстлар, хотиним қайтсин,
Айтмай ҳар кимларға, ўзимга айтсин,
«Колхоз ҳам ҳайдар!..» деб, тортмасин ташвиш,
Ҳалол ишлаганга ҳамма иш — бир иш».

МУНДАРИЖА

Дебоча	5
Табассум ҳам таассуф	6
Дилозор тиллар ҳақида	7
Ахлоқсиз «ошиқ-маъшуқ»лар	8
Оддий сатрлар	10
«Бир оғайним»нинг таърифи	11
Умр эмас ундей умр	12
Валакитаник туб «фазилат»лари	13
Ғазаб омухта ғазал	14
Баъзи бир «ҳофиз»ларга	15
Мудом ростингда тур	16
Нозигим	17
«Муштум»чиларни	18
Давангир	19
Маҳалла «балохўри» таърифида	20
Хих, эшагим, хих	21
Даштдек қуруғу ҳосили янтоқ	22
Бўлмаса	23

Түйхона маст	24
Бир ҳаммақалламга	26
Қор, ётсанг-чи	28
Баъзи мұнаққидлар таърифида	30
Номардға муҳтоҗлик ҳақида	30
Үз манфаатини күзловчилар ҳақида	30
Бетоқат кишилар ҳақида	30
Шеърнітдан бекібарлар ҳақида	31
Музикасиз музикашунос ҳақида	31
Туюқлар	32
Рубойлар	34
Рубойнамо сатрлар	36
«Құлбола рубойй»лар	38
Бир текінхүр таърифида	40
Десам, деди	42
Халқ термалары	44
Етиб кел	47
Танқиддан кейин	50
Эски мактаб ва «жинни» Али хотирасын	52
«Биздан йироқ кетгунча»	57
Түй ҳангамасы	59
Ул йигитни ким йигит дер	61
Бошдан-оёқ нұқсон	63
Чапак	65
Анқов раҳбар, хұшомадгүй хұжалик ходими	67
Яна «эрта келинг»	69
Баҳор ва лаганбардор	71
Истарам	73
Бетамиз	75
Баъзи «ошия»лар ҳақида	78
Бегарас насиҳат	80
Бир гап бұлар-кегар деб	82
Бир қаллобнинг саргузашты	85
Намасан	87

Пул ўлсина — пул ўлсин	90
Пашшалар	94
Келди-кетди	97
Шу томонлары ёмон	99
Бир сельпо ҳақида зарбулмасал	101
Құруқ ғап қулоққа ёқмас	105
Мансабпарат	108
Бекароржон Кирдикоровнинг ўз құли билан ёзилған тар- жимаси ҳоли	108

На узбекском языке

Сабир Абдулла

УЛЫБКА И СОЖАЛЕНИЕ

Стихи

Редактор *М. Жалилов*

Рассом *С. Субхонов*

Расмлар редактори *Н. Галиев*

Техн. редактор *В. Барсукова*

Корректор *М. Абдушукурова*

Босмахонага берилди 23/ХI-1972 й. Босишига рухсаф
этидин 20/III-1973 й. Формати $70 \times 108\frac{1}{4}$. Босма л.
3,75. Шартли босма л. 5,25. Нашр л. 3,43. Тиражи
35000. Р.09388 Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва
санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.
Шартнома № 117—72.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар,
полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат
комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида I- юн
гоизга босилди. Тошкент, Навоий, 30, 1973 йил,
заказ № 1826. Баҳоси 36 т.

А 15

Абдулла Сабир.

Табассум ҳам таассуф. (Хажвий шеърлар.) Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.

120 б.

Абдулла Сабир. Улыбка и сожаление.

Уз2

№ 313—72

Навоий номли УзССР Давлат кутубхонаси.

Индекс 7—4—3